

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ДЕФЕКТОЛОГИЯ

Таълимда алоҳида эҳтиёж бўлган
болаларнинг инклюзив таълими

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

А	Б	В	Г	Д	Е	Ж
З	И	Й	К	Л	М	Н
О	П	Р	С	Т	У	Ф
Х	Ц	Ч	Ш	Щ	Ъ	Ы
	Ь	Э	Ю	Я		

ТОШКЕНТ-2021



Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: п.ф.д., проф. Л.Р.Мўминова.
п.ф.н., доц. З.М.Ахмедова

Такризчилар: п.ф.н., проф. М.Ю.Аюпова
Хорижий эксперт: п.ф.д., профессор О.С.Орлова – Россия,
Москва давлат педагогика университети.

Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.



МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	29
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	71
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	73
VI. ГЛОССАРИЙ.....	76
VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	80



I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2014 йил 13 ноябрдаги 430 – сонли буйруғи билан (буйруқнинг 2- иловаси) тасдиқланган. “Инклюзив таълим” фани дастури асосида тайёрланган бўлиб, у замонавий талаблар асосида тайёрланган. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизидаилмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Инклюзив таълимнинг моҳияти, имкониятлари ва ижтимоий аҳамиятини тушунтириш ҳамда ушбу таълимни сифатли ташкил этиш, мақсадли ривожлантириш йўллари очиқ бериш.

Мақсадли курс инклюзив таълим малака ошириш курсига катнаш олий таълим педагогларга учун тайёрланган

Курс якунида иштирокчилар;

Билиб оладилар:

- инклюзив таълимнинг моҳияти;
- инклюзив таълимнинг миллий ва жаҳон тажрибалари намуналарини;
- инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, уларнинг мақсад ва вазифаларини;
- алоҳида эътиборга муҳтож болалар тоифаларини;
- таълимда махсус эҳтиёжлар кўлами ва тавсифларини;
- инклюзив таълим иштирокчилари вазифаларини;
- инклюзив таълимнинг самараларини таъминловчи омилларни;
- инклюзив таълимнинг ижтимоий аҳамиятини;
- таълим муассасаларининг инклюзивлашганлик мезонларини;
- алоҳида махсус таълим дастурлари ва уларнинг моҳиятини;
- шахсий таълим режаларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларни;
- умумий таълим муассасаларида инклюзив таълимни ўқув жараёнини ташкил қилиш

Модулнинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Дефектология” йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари талабаларига таълимда алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларнинг инклюзив таълими фанинг замонавий долзарб муаммолари ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш;



Талабаларнинг таълимда алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларнинг инклюзив таълимифани бўйича касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг соҳага оид касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Эгаллайдилар:

– -Инклюзив таълимга оид миллий ва халқаро ҳужжатларнинг номи ва хронологик жадвалини;

– -алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг махсус эҳтиёжларини баҳолашни;

– -таълим муассасаларини инклюзив таълим мезонлари бўйича баҳолашни;

– -инклюзив таълим иштирокчиларининг вазифаларини ажратишни;

– - шахсий таълим режаларини ишлаб чиқишни

Бажарадилар:

– -инклюзив таълимга таъриф бериш;

– -инклюзив таълим жараёнида ўз иштирокининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш;

– -яқин ва узоқ келажак учун инклюзив таълимни жорий этиш, мустақамлаш ва ривожлантириш режасини тузиш.

– фаннинг таълимий ва тарбиявий мақсад-вазифалари;

– фаннинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмлари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– таълимжараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

– ўқитувчининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;

– модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;

– фанларни ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;



- ўқув ахборотни қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;
- таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
- дидактик таъминотни такомиллаштириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**
- Таълимда алоҳида эҳтиёжи бўлган боларада инклюзив таълим фанининг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллаш олиш;
- машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, тингловчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;
- таълим жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;
- ривожланган мамлакатларда тарих фанини ўқитиш методикасидаги илғор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Дефектология” йўналиши бўйича маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Инклюзив таълимнинг назарий асослари” модули мазмуни ўқув режадаги “Таълимда алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларнинг инклюзив таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш”, “Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари”, ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги



Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодий эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълимда алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларнинг инклюзив таълим фанининг замонавий концепциялари ва фаннинг долзарб назарий муаммолари, тараққиёт тенденциялари ва инновацияларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий соат	Жумлада	
			назарий	амалий
1.	Инклюзив таълим курсининг предмети, объекти, тамойиллари, мақсад ва вазифалари. Таълимда алоҳида эҳтиёж бўлган болаларнинг инклюзив таълими	2	2	-
2.	Имконияти чекланган болалар турлари ва уларни инклюзив таълимга жалб этиш. Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар ва сабаблари.	2	2	-
3.	Дунё миқёсида ва Ўзбекистонда алоҳида эътиборга муҳтож шахслар таълим-тарбияси учун яратилган шарт-шароитлар	2	2	-
4.	Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларни умумтаълимга уйғунлаштириш асослари. Инклюзив таълим, унинг компонентлари	2	2	-
5.	Инклюзив таълим тизимида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари	2	2	-
Жами		10	10	16



НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Инклюзив таълим курсининг предмети, объекти, тамойиллари, мақсад ва вазифалари. Таълимда алоҳида эҳтиёж бўлган болаларнинг инклюзив таълими.

Инклюзив таълим курсининг предмети, объекти, тамойиллари, мақсад ва вазифаларини очиб бериш. Таълимда эҳтиёжи бўлган болаларнинг инклюзив таълими ҳақида

2-мавзу. Имконияти чекланган болалар турлари ва уларни инклюзив таълимга жалб этиш. Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар ва сабаблари.

Уйғунлаштириш учун ўнта асос. Инклюзив (уйғунлаштирилган) таълимни қўллаб-қувватлашнинг зарурияти, афзаллик томонлари.

“Интеграция” ва “Инклюзив” атамаларининг маъноси. Инклюзив ва интеграцион тушунчаларининг фарқли томонлари. Инклюзив таълимда ҳал этиладиган мақсад ва вазифалар. Инклюзив таълимга киритишнинг асосий тамойиллари ва уларнинг мазмуни. Инклюзия доираси.

3-мавзу. Дунё миқёсида ва Ўзбекистонда алоҳида эътиборга муҳтож шахслар таълим-тарбияси учун яратилган шарт-шароитлар

БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги умумжаҳон Декларациялари, “Болалар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси, “Таълим-барча учун” Умумжаҳон Декларацияларининг мазмун-моҳияти.

Саламанка Баёноти ва Иш фаолият Режасининг ишлаб чиқилиши. “Дакар ҳаракат дастури”.

Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (1991 йил 18 ноябрь), “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 йил), “Таълим тўғрисида”ги Қонун (1997 йил), “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.

Келтирилган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида махсус эҳтиёжли болалар ҳам жамиятнинг тўлақонли ва тенгҳуқуқли аъзоси эканлиги эътироф этилиб, ҳар бир боланинг таълим турини танлашида эркинлиги, оилада бўлиш ҳуқуқи, ўз уйи ҳамда маҳалласида камол топиши, барча қатори тенг равишда билим олиши кабиларни таъминлашга қаратилганлиги.

4-мавзу. Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларни умумтаълимга уйғунлаштириш асослари. Инклюзив таълим, унинг компонентлари.

Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларни умумтаълимга уйғунлаштириш асослари. Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий, кадрлар тайёрлаш, моддий-техник ва кенг тадбиқ этиш моҳиятини очиб бериш.



5-мавзу: Инклюзив таълим тизимида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Инклюзив таълимда таълим тизimini алоҳида ёрдамга муҳтож болага мослаштириш марказий ўринни эгаллаши. Ногиронликнинг тавсифи.

Ногиронлиги бўлган инсоннинг ҳаёти давомида турли-туман тўсиқларга учраши. Тўсиқлар таҳлили. Махсус таълимга бўлган эҳтиёж жабҳалари. Махсус таълим эҳтиёжларининг тавсифи

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жорий этишда мактаб таълим муассасалари раҳбарияти ва педагогларнинг вазифаси

Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жорий этишда мактаб директори, ўқитувчилари, психолог ва дефектологларнинг вазифалари билан таништириш.

2-амалий машғулот: Инклюзив таълим бўйича Чет эл тажрибаси.

Инклюзив таълим бўйича Чет эл тажрибаси билан танишиш (Англия, АҚШ, Италия, Австрия, Литва, Франц ия).

3-амалий машғулот: Инклюзив таълим бўйича Республикада олиб борилган ва олиб борилаётган фаолият

Республикада инклюзив таълимнинг тарихи, чет эл лойиҳалари ва уларнинг натижалари. Республикада ҳозирги даврда олиб борилаётган ишлар.

4-амалий машғулот: Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб этишда ТППК нинг роли.

Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб этишда ТППК нинг мақсад, вазифалари ва саралаш методикалари билан таништириш

5-амалий машғулот: Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълим жараёнида ўқитишда индивидуал дастурларини тузиш, методик ва дидактик таъминотини яратиш.

Имконияти чекланган болаларни хусусиятларини, ногиронлигини эътиборга олган ҳолда индивидуал дастурларини тузишга ўргатиш, методик ва дидактик таъминотини тайёрлаш усуллари билан таништириш.

6-амалий машғулот: Махсус ёрдамга муҳтож бўлган болаларни таълим тизимида жалб этишда ота-оналар, оила ва жамоатчилик билан ишлаш.

Талабаларга махсус ёрдамга муҳтож бўлган болаларни таълим тизимида жалб этишда ота-оналар, оила ва жамоатчилик билан ишлашни ўргатиш.



7-амалий машғулот: Имконияти чекланган болаларни мактабга тайёрлашда ота–оналар, маҳаллалар ва педагогларнинг ўрни ҳамкорлиги.

Талабаларга инклюзив таълим шароитида имконияти чекланган болаларга узлуксиз таълим тизимида коррекцион педагогик ишларни ташкил этишнинг ташкилий, ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида билим бериш.

8-амалий машғулот: Инклюзив таълим ўқитувчиси дарсни ташкил қилишдаги фаолияти.

Талабаларга инклюзив таълимнинг жаҳон миқёсида назарий ва амалий қўллаб-қувватланишини билишга ўргатиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).



II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Бугунги кунда ўқитишнинг замонавий методлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методлар интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аталади. **Интерфаол методлар** деганда таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олинishi;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта

олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;



- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУХБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган.

Давра столи тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.


“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.



Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ- бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;



- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



Методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“ФСМУ”–(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзунини чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундайди.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарих фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

1-Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

2-Топшириқ: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги давлат бошқарувининг асосий фарқлари?

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



Нвбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна:

Таълимда алоҳида эҳтиёжли бўлган болаларнинг инклюзив таълими фанидан Давлат таълим стандарти			
Собиқ стандарт		Янги стандарт	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

Намуна: Таълимда алоҳида эҳтиёжли бўлган болаларнинг инклюзив таълими ўқитишда “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

С	Таълимда алоҳида эҳтиёжли бўлган болаларнинг инклюзив таълими ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг	
----------	---	--



	кучли томонлари	
W	Таълимда алоҳида эҳтиёжли бўлган болаларнинг инклюзив таълими ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	
O	Таълимда алоҳида эҳтиёжли бўлган болаларнинг инклюзив таълими ўқитишда “Хулосалаш” методдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташқи)	

Намуна: Анъанавий ва замонавий таълим шакллари “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

C	Оддий дарсда ўқитувчи, тингловчиларга кўп маълумот бера олмайди	Замонавий дарсда камроқ маълумот берилади, бироқ улар тингловчилар онгига сингдириб берилади
W	Ўқитувчи асосан аълочи, қизиқувчи тингловчилар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли тингловчилар қамраб олинади	Замонавий таълимда дарсда кўп сонли тингловчилар қамраб олинади
O	Оддий дарсда фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	Замонавий дарсда муҳокамажараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туғилиши мумкин
T	Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, тингловчи учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти	Кенг муҳокама учун вақтнинг чэгараланганлиги, тингловчиларни мавзудан четга буришга интилишлари

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан



фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

-

Пинборд (инглизчадан: пин – маҳкамлаш, боард – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (махсус доска ва махсус қоғоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптимал ечимлар бўйича аниқланади.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) якқол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва варақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;


5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

Маданият

моддий маданият	маънавий маданият

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод тингловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда тингловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш куйидаги тартибда кечади:



Ўрганилаётган моҳиятини жиҳатлар	мавзу ёритувчи	Мухим белгилар, тавсифлар		
		1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат				
2-жиҳат				
...				

Намуна:

Таълимда алоҳида эҳтиёжли бўлган болаларнинг инклюзив таълими дарсларида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг жиҳатлари	Мухим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
“Ассесмент”			
“Инсерт”			



“Тушунчалар”			
“Брифинг”			
“Баҳс-мунозара”			
“Муаммоли вазият”			

Методнинг мақсади: мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”


Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
инклюзив таълимга оидманба		
инклюзив таълимга оид адабиёт		
инклюзив таълимга оидҳужжат		
инклюзив таълимга оидхарита		
инклюзив таълимга оидсурат		
инклюзив таълимга оид фонограмма		
инклюзив таълимга оидхат		
инклюзив таълимга оидмакон		

Изоҳ: Иккинчи устунчага катнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.



5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истикбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини кўядилар.

Изоҳ: Ўқитувчи: Янги мавзуни баён қилади ва тингловчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни яқка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

- вақт тугагач тингловчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;

- барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

Тингловчи: - мавзуни диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;

- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;

- якуний хулосаси билан ўтирганларни таништиради;

- регламентга риоя қилади.

Кутиладиган натижа: Тингловчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

“Т-жадвал” технологияси

Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)	
+ (ха, ижобий)афзаллиги (ютуғи)	- (йўқ, салбий)камчилиги
1.	1.
2.	2.
...	...

**“Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”**

Афзалликлари	Камчиликлари
“Қайтар алоқа”нинг таъминланиши	кўп вақт талаб этилиши
мотивациянинг юқори даражада бўлиши	тингловчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги
ўтилган материалнинг яхши эсда сақлаб қолиниши	объектив баҳолашнинг қийинлиги
мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши	ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши
ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш кўникмасининг шаклланиши	ижодий шовқин бўлиши
мустақил фикрлаш	қайтар алоқанинг таъминланмаслиги
ХУЛОСА	

T-схема кўринишида вазифа

Ха	Фикр-мулоҳазалар	Йўқ

Сана ва воқеаларни тўғри хронологик кетма-кетликда жойлаштиринг.

Саналар –

Тарихий воқеалар –

Йил, сана	Содирбўлган воқелик

“Венн диаграммаси” стратегияси

Стратегия тингловчи (тингловчи)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Стратегия тингловчи (тингловчи)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишдир!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бири-бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоки, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чуқур мазмунга эгаллиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари бетакрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гуруҳ бажарган топшириқни эртага ҳар тингловчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғуллот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, тингловчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаолли ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган тингловчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиладилар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;

- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;

- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга ҳаракат қиладилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушини кўшишга олиб келади;

- тингловчилар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;



- тингловчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига қўмаклашади. Ўқишда ўртоқларига ёрдам бераётган тингловчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;

- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари ўртоқларига таъсир этишининг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиклар;

- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;

- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- гуруҳга битта топшириқ;

- битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;

- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;

- ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

Гуруҳда ишлаш қоидалари:

Ҳар ким ўз ҳамкасблари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;

Ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;

Ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;

Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;

Ҳар ким гуруҳ ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.

- Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!

- Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!

Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гуруҳ лидерини сайланг.



2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топшириқни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланинг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гуруҳ ишини баҳоланг.

1-босқич

Гуруҳ иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

1. Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

2. Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қилади, таълим олувчилар билан биргаликда уни эчиш йўли ва тартибини муҳокама қилади, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

3. Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

4. Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қилади; ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.

5. Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қилади; Гуруҳ ишини назорат қилади. Гуруҳ ишини режалаштириш, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш, вазифани бажариш бўйича яқка тартибда ишлаш, яқка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш, гуруҳ учун умумий ечимни ифодалаш, гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбеҳ қилади.

6. Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

3-Назорат – якуний босқичи

Яқун яшаш – натижалар текширувини ўтказиш: гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ



бажарилишининг якунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. Инклюзив таълим курсининг предмети, объекти, тамойиллари, мақсад ва вазифалари. Таълимда алоҳида эҳтиёж бўлган болаларнинг инклюзив таълими.

1.Инклюзив таълим курсининг предмети

Инклюзив таълим (инглиз тилидан олинган бўлиб, inclusive, inclusion–уйғунлашмоқ, уйғунлаштириш, қамраб олмақ, қамраб олиш маъноларини билдиради) ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тусиқларни (дискриминацияни) бартараф этиш, махсус таълимга мухтож болалар, (айрим сабабларга кўра ногирон бўлган) ўсмирлар ривожланишида учрайдиган нуқсонлар ёки иктисодий қийинчиликлардан қатъий назар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган умумтаълим жараёнига кўшишни ифодаловчи таълим тизимидир.

Инклюзив таълим бу барча ўқувчилар, шу жумладан имконияти чекланганлар ҳам ўз туманларидаги умумтаълим мактабларида оддий синфларда, ёшларига мувофиқ билим олиш учун керак бўлган ёрдамни олганлари ва мактаб ҳаётидаги барча жабҳаларда иштирок этишлари ҳамда ўз ҳиссаларини кўшишларини англатади. Инклюзив таълим барча ўқувчиларга – таълимда асосий эҳтиёжга мухтож бўлган ва бўлмаганларга ҳам ижобий тарзда тарбиявий ва ижтимоий таъсир қилади.

Барча имконияти чекланган болаларни ҳаётни яхши бошлаши ва инклюзив таълим муҳитида қўллаб-қувватланиб ва ёрдам олиб ҳаёт кечирishi.

Инклюзив таълимни амалиётга жорий қилишда ва мақсад-вазифалари, таълимни ташкил этиш усуллари оммага тушунтиришда ҳали қатор муаммолар, тусиқлар ҳам мавжуд.


Инклюзив таълим умумтаълим жараёнини ривожлантиради ва барча болаларга мос бўлган таълимни жорий қилади. Имконияти чекланган болалар таълим олишига оид кўшимча мосламаларни ташкил қилиб болаларни таълим олишига қулай шароит яратади.

Инклюзив таълим ҳар хил эҳтиёжли болаларнинг таълим олишига қаратилган методологияни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Инклюзив таълим турли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ихчам турдаги дарс беришга ёндашадиган таълимни ишлаб чиқишни амалга оширади. Агарда инклюзив таълимни тадбиқ этишда дарс бериш, ўқитиш бир мунча самарали ва унумли бўлса унда нафақат имконияти чекланган болалар балки барча болалар ютади. Инклюзив таълим мактаблари болаларнинг билим олиш учун шахсий ҳуқуқларини ҳимоялайди (вахолангки улар ўқитилмасоҳам). Бундай ёндашув дискриминацияни бартараф этади, камайтиради чунки болалар бир-бирлари билан мулоқот қилиш жараёнида узларининг ўқитилиш жараёнида турли эҳтиёжларга эга индивидум эканликларини англайдилар.

Инклюзив таълим тизимида қуйидаги мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши талаб этилади:

- таълим муассасасида имконияти чекланган болалар ва усмирларнинг таълим олишлари учун зарурий психологик - педагогик, коррекцион шароитларни яратиш, уларнинг имкониятига йуналтирилган умумтаълим дастурлари ва коррекцион ишларни амалга ошириш орқали рухий ривожланиши, ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш;
- укувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;
- жамиятнинг ва оиланинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом болаларнинг эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш;
- имконияти чекланган болалар ва усмирларни оилалардан ажрамаган ҳолда яшаш ҳуқуқини руёбга чиқариш;
- жамиятда имкониятти чекланган болалар ва усмирларга нисбатан дустона ва меҳр-муҳаббатли муносабатни шакллантиришдир.

2. Инклюзив таълим курсининг объекти



3. Инклюзив таълимга киритишнинг асосий тамойиллари

Таълим тизимини жорий этиш ҳар доим маълум бир қонун қоидаларга, тамойилларга асосланишни талаб этади. Инклюзив таълим тизимини жорий қилишда эса қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- 1). Инклюзив таълимнинг эътироф этилиши.
- 2). Инклюзив таълимнинг барча учун очиқ бўлиши тамойили.
- 3). Боғланишнинг мавжуд бўлиши тамойили.
- 4). Марказлаштирилмаган бўлиши тамойили.
- 5). Инклюзив таълимда комплекс ёндашиши тамойили.

6). Инклюзив таълимда мослашувчанлик тамойили.

7). Малакавийлик тамойили.

1). Инклюзив таълимнинг эътироф этилиши тамойили.

Бу тамойилнинг мазмуни шундаки, 1990 йилдан буён махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасалари тизимида ўқитиш борасида бир қанча жаҳон миқёсида деклорациялар ва қарорлар қабул қилинди. Уларни жаҳоннинг кўплаб давлатлари эътироф этдилар. Аммо бугунги кунга қадар уларни ҳаётга жорий қилиш борасида кўплаб муаммолар мавжуд. Баъзи давлатларда эса умумий таълим борасида қонун ёки қарорлар қабул қилинганда ногирон болаларнинг таълим масаласи унга киритилмайди. Аммо инклюзив таълимни тан олиш фақатгина қонун чиқариш билангина боғлиқ бўлмайди. Дискриминация (одамларни ажратиш) ва ижтимоий нотўғри фикрлашга қарши курашиш энг муҳим нарсалар. Яъни инклюзив таълимни эътироф этган ҳолда, аҳоли ўртасида тарғибат-ташвиқот ишларини олиб бориш энг биринчи галдаги масаладир.

2). Инклюзив таълимнинг барча учун очиқ бўлиши тамойили.

Ўтган йигирма йил давомида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасалари тизимида ўқитиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Аммо инклюзив таълими тизимини жорий қилиш асосан шаҳарлар миқёсида бўлиб қишлоқлардаги ҳудудларда ҳали-ҳамон махсус эҳтиёжли болалар таълимдан четда қолиб кетмоқда ёки қишлоқлардаги ота-оналар ногирон фарзандини шаҳарлардаги махсус муассасаларга қатнашларини таъминлаш учун қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шунинг учун ҳам махсус эҳтиёжли болаларни инклюзив таълимга жалб этиш барча ҳудудларда барча махсус эҳтиёжли болаларни қамраб олган бўлиши таъминланиши лозим.

3). Боғланишнинг мавжуд бўлиши тамойили.

“Боғланиш”-бу сўзнинг заминиди-оммавий биноларнинг сифати, айниқса ногирон болалар учун мактабларга киришнинг осон бўлиши кабилар ётади. Бола мактаб биносига (зинаполяр аравадада юришга мослаштирилмаганлиги сабабли) кира олмаганми ёки мактаб хожатхонаси аравадада ҳаракатланувчиларга мослаштирилмаганлиги учун оддий мактабдан чиқариб ташламаслиги керак. Бу каби қулайликларни яратиш унчалик катта маблағ талаб қилмайди. Янги мактаб биноси ногирон болаларнинг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда режалаштирилган пайтдан бошлаб қурилиши керак. Алатта ногирон болалар учун яхши бўлган қулайликлар нормал ривожланишдаги болалар учун ҳеч бир муаммо келтириб чиқармайди. Жисмонан боғланишларни яратиш инклюзив таълимнинг асосий муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

4). Марказлаштирилмаган бўлиши тамойили.

Бу тамойилнинг мазмуни қуйидаги иккита аспект ёрдамида ифодаланади:

А). Инклюзив таълим хизматлари умумий таълим тизимининг интеграция қилинган қисми бўлиши керак.

Б). Инклюзив таълим тизимидги вазифалар маҳаллий таълим органларига жақвобгарлик ва бошқарувни юклаш учун марказлашмаган ҳолда олиб борилиши керак ва имкониятлар маҳаллий шароитларга мослаштирилиши лозим.

Оптимал интеграция эришиш учун марказлаштирилмаган бўлиш муҳимдир. Бу айниқса қишлоқ шароитларида айтиш мумкин бўлади. Инклюзив таълимнинг вазифалари ногирон болаларга ўз ота-оналари билан бирга бўлиш, уларга худди тенгдошлари каби ўзларига яқин бўлган мактабларда таълим олиш имконини беради. Бу уларнинг шахсий сифатларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ногирон боланинг нормал ривожланишига ҳалақил бериш, ногиронликдан ҳам оғирроқ ҳолатларга олиб келиши мумкин.

5). Инклюзив таълимда комплекс ёндашиши тамойили.

Ногирон болаларга уларга ногирон деб фақатгина нуқсон жиҳатдан ёндашиши эмас, балки бу болаларга ҳар томонлама ёндашиш лозим. Бу эса махус эҳтиёжли болалар учун таълим масаласини режалаштираётган унинг бутун ҳаёти давомида юзага келиши мумкин бўлган эҳтиёжлини ҳисобга олган ҳолда тузишни талаб этади. Бундан ташқари инклюзив таълимда ногирон боладаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, коррекциялаш, компенсация қилиш билан бир қаторда билим кўникмаларга эга қилиш, касб ҳунарга ўргатиш ишларини параллел равишда олиб бориш талаб этилади. Бу тамойилнинг моҳиятида махус эҳтиёжли болаларга илк ёш даврида эрта ёндашиш ҳам ётади. Махус эҳтиёжли болалар таълими бошланғич ва ўрта-махус таълимни олишлари билан яқунланмаслиги керак. Ногирон болаларнинг касб-ҳунар таълими ва олий таълими ҳам амалга оширилиши талаб этади. Чунки инклюзив таълим тизимининг вазифаларидан бири махус эҳтиёжли болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг барча ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир.

6). Инклюзив таълимда мослашувчанлик тамойили.

Бу тамойилнинг мазмуни шундаки, ўқув режа, дастур ва дарсликлар махус эҳтиёжли болаларнинг имкониятларига мослашувчан бўлиши керак. Боланинг махус таълимга бўлган эҳтиёжлари ҳар қандай интеграция фаолиятининг асосини ташкил этиши керак. Шахс эҳтиёжларининг даражалари ва турлари ҳар хил бўлганлиги туфайли бундай фаолиятлар мослашувчан ўзгарувчан бўлиши талаб этилади.

7). Малакавийлик тамойили.

Махус эҳтиёжли болалар инклюзив тарзда ўқитилаётган синфларда юқори малакали ўқитувчиларнинг дарс бериши талаб этилади. Бундан ташқари инклюзив синф ўқитувчиси дефектлогия соҳаси бўйича ҳам малака оширган бўлиши керак.


Инклюзив таълим жорий қилинган мактабларда (муассасаларда) таълим жараёнини ташкил этиш тамойиллари.


- Махус таълим тамойиллари:
- Коррекция йўналтирилганлиги;
- Нуқсонини аниқлаш, таълим беришда комплекс (клиник-генетик, нейрофизиологик, психолог педагогик) ёндашиш;
- Нуқсонли функцияни эрта аниқлаб, тиббий\психологик жиҳатдан коррекциялаш;
- Умумий ўрта маълумот бериш, касбга йўналтириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашга мослаштириш;



- Дифференциал табақалаштириш ва олоҳида ёндошиш;
- Таълимнинг узликсизлигини таъминлаш.

4. Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асослари





Инклюзив таълимнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий асослари.

Юқорида келтирилган ҳуқуқий-меъорий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимнинг жорий этилиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Жумладан; “Таълим ҳамма учун” дастурининг бажарилиши, Ўзбекистонда таълим олиш ҳуқуқининг қонунчилик асосини:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил; 41-модда)
- “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги” қонун (19, 27-моддалар)
- “Таълим тўғрисида”ги қонун (1997 йил, 22, 23-моддалар)
- “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун (2008 йил; таълим олишдаги тенг имкониятлар ва алоҳида кафолатлари, 28, 29-моддалар)
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (ўқувчиларни қобилият ва имкониятларига мувофиқ ўқитишга дифференцион ёндашув)
- “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастури (4.2-модда), “Ёшлар йили” Давлат дастури.
- “Соғлом авлод” давлат дастури (2000 йил)
- “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастури (2007 йил)
- “Баркамол авлод йили” давлат дастури (2010 йил) ва бошқалар

Инклюзив таълимнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририга имконияти чекланган болаларни умумтаълим жараёнига интеграциялаш мақсадида умумтаълим мактаблари,

мактабгача таълим муассасаларида инклюзив гуруҳ ва синфларнинг ташкил қилинишини тартибга солувчи модда киритилган.

Ўзбекистонда интеграциялашган (инклюзив) таълимни ривожлантириш бўйича сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

- интеграциялашган (инклюзив) таълимни имкониятлари чекланган болаларнинг барқарор ривожланиши, реабилитацияси, жамиятда мослашуви ва интеграциясининг муҳим омили сифатида тан олинishi;

- интеграциялашган (инклюзив) таълимни сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида барча стратегик кучлар, давлат ва нодавлат тузилмалар, кенг жамоатчиликнинг жисплашиши;

- интеграциялашган (инклюзив) таълимнинг ҳамма учун очиқлиги, таълим тизимининг ўқувчиларнинг ривожланиш салоҳиятлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда таълим эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мослашуви;

- имкониятлари чекланган болаларни умумий таълимга интеграциялаш мақсадида таълим муассасалари, ота-оналар, жамоатчилик ташкилотларининг фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш механизмларини яратиш;

- интеграциялашган (инклюзив) таълим муассасалари учун махсус ўқув режалари, ўқув-услубий комплекслар ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларда теварак-атрофдагилар, тенгдошлари билан ўзаро ижобий муносабатларнинг ўрнатилиши, атрофдаги кишиларда коммуникабеллик ва бағрикенгликни ривожлантириш;

- имкониятлари чекланган болаларни уларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларига қаратилган сифатли таълим олишида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;

Ўзбекистоннинг интеграциялашган (инклюзив) таълим соҳасидаги сиёсати ёш фуқароларнинг таълим олишлари учун оптимал шароитлар яратилишига қаратилади ва қуйидаги мақсадлар бажарилишига йўналтирилади:

- боланинг ўзига хос таълимга эҳтиёжларини мумкин қадар эрта (хаётининг дастлабки ойларидан) аниқлаш;

- ўзига хос таълим эҳтиёжлари мавжуд болаларнинг барчасини таълимга жалб этиш;

- имкониятлари чекланган болаларни соғлом тенгдошлари қаторига интеграциялаш учун шароитлар яратиш;

- имкониятлари чекланган шахсларнинг ўзига хос таълим эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- инклюзив таълим муҳитида ишлаётган педагогларга малакали услубий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантириш;

- уйғун ривожланган авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатини таълим воситалари ёрдамида қўллаб-қувватлаш;

Мазкур мақсадларга эришиш, қуйидаги вазифалар мажмуасининг амалга оширилишини тақозо этади:

- имкониятлари чекланган болаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, махсус интеграциялашган (инклюзив) таълим мазмунини илмий-услубий жиҳатдан ишлаб чиқиш;

- махсус интеграциялашган (инклюзив) таълимни унинг барча поғоналарида ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш принциплари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- махсус интеграциялашган (инклюзив) таълимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг меъёрий ҳуқуқий жиҳатдан таъминотини таълим сиёсатининг мақсад ва вазифаларига мослаштириш;

- болаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда сифатли таълим олишда тенг имкониятларга эга бўлишнинг давлат томонидан кафолатининг амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий-бошқарув механизмларини яратиш;

- махсус интеграциялашган (инклюзив) таълим муассасалари учун педагогик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш;

- махсус интеграциялашган (инклюзив) таълим муаммоларини илмий-назарий ва илмий-услубий нуқтаи назардан ишлаб чиқилишини таъминлайдиган илмий-педагогик кадрларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш;

- Ўзбекистоннинг бу фаолиятга давлат, жамоатчилик ташкилотлари, ота-оналарни кенг жалб қилишга қаратилган таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг давлат-жамоатчилик механизмларини ривожлантириш;

- минтақаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, интеграциялашган (инклюзив) таълим ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини мониторинг қилиш тизимини яратиш;

- интеграциялашган (инклюзив) таълим соҳасида ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, жамоа ташкилотлари ходимлари учун ўқув методик мажмуалар ва оммабоп адабиётларни яратиш;

Имкониятлари чекланган болаларнинг, ҳоҳ у махсус мактаб, мактабгача муассасалар бўлсин, ҳоҳ умумтаълим муассасалари қошидаги синф ёки гуруҳлар бўлсин, ҳоҳ уйда таълим олиш бўлсин – ўқитишнинг барча шакллари–таълим соҳасига жалб қилиниши маълум жиҳатдан интеграция жараёни ҳисобланади, чунки ўқиш даврида ва ундан кейин ҳам бу болалар бошқа болалар, шу жумладан умумтаълим муассасаларда таълим олаётган болалар билан ўзаро мулоқотда бўладилар, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга уйғунлашуви таъминланади. Бироқ, таълим олиш учун мос шарт-шароитларни танлаш ҳар бир боланинг ва ота-онасининг ҳуқуқи ҳисобланади. Психологик-тиббий-педагогик комиссия мутахассислари зиммасига боланинг руҳий-жисмоний ҳолатини ўрганиш ва ташхис қилиш вазифаси юкланган бўлиб, болани ҳар томонлама текшириш натижасида болаларни ўқитиш ва уларга мос келадиган таълим шароитини аниқлашга доир тавсиялар берилади. Шундай қилиб, ўзига хос эҳтиёжлари бўлган боланинг умумтаълим соҳасига самарали жалб қилиниши учун қуйидагилар зарур:



- боланинг ривожланишида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган коррекцион тадбирларни эрта ёшдан бошлаш

- умумий таълимга жалб қилинган ҳар бир бола учун тиббий-психологик-педагогик кузатувни, яъни мутахассисларнинг доимий ёрдами ташкил этиш;

- руҳий-жисмоний ривожланиши ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, имкониятлари чекланган ҳар бир боланинг соғлом болалар билан биргаликда тарбия ва таълим олишининг зарур шакллари танлашни таъминлаш;

Боланинг таълим тизимида жалб қилинишининг бирор кўриниши у учун оддий ва фойдали бўлиши даркор, айти пайтда бу инклюзив таълим маромида ривожланаётган тенгдошларининг сифатли таълим олишига ҳалақит бермаслиги лозим.

Шунингдек, ушбу ҳужжатлар асосида 2003 йилда Республикада “Талим ҳамма учун” Миллий дастури ишлаб чиқилди. “Таълим ҳамма учун” дастурининг Миллий режаси ЮНЕСКОнинг маслаҳатлари ва моддий кўмаги билан 2000 йилги Дакар шартномаларига мос бўлиб, сиёсатчилар, таълим тизими, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, педагоглар, жамоат арбоблари, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш муаммолари билан қизиқувчи барча шахслар учун мўлжалланган. Мазкур режада Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – “Таълим ҳамма учун” Миллий Режасининг концептуал ўзаги асосида ислоҳ этиш муаммолари ва истиқболлари таҳлил қилинган. ЮНЕСКОнинг “Таълим ҳамма учун” лойиҳасида баён этилган мезонларга мувофиқ таълим соҳасидаги муаммолар Режада алоҳида қуйидагича ёритилган.

Умумий қоидалар.

ҲМР-ТХУ таянч тамойили (шахс устуворлиги)га таянган бўлиб, ҳар бир гўдак, ўсмир ва ёши катта инсон ўзининг таянч таълимга бўлган эҳтиёжларини сўзсиз тан оладики, ушбу тушунча энг юқори ва тўла маънода қониқиш, янги дунёни билишга ўрганиш, ҳаракат қилиш бошқалар билан биргаликда яшаш ва кун кўриш имконини берувчи таълим олиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, ҲМР-ТХУнинг мақсади-ҳар бир инсоннинг иқтисодии ва имкониятларини очиш, ўқиётганлар шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълимни таъминлашдир, токи одамлар ўз ҳаётларини яхшилаб, ўз жамиятларини туза олсинлар”

Бундан ташқари ушбу Режанинг III.9 қисми “Махсус эҳтиёжли болаларни ўқитиш”, деб номланган бўлиб, унда махсус таълим тизимининг бугунги кундаги барча жабҳаларининг аҳволи ёритиб ўтилган.

Шунингдек, VI. Банд ҳам махсус таълим хусусида бўлиб унда қуйидагича баёнот қилинади:

- 1). Қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий базани такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди:

- а. “Ривожланишда жисмоний ва руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг узлуксиз таълими тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш;



б. “Махсус эҳтиёжлари мавжуд болаларни хонадонларда ўқитиш” тўғрисида Низом ишлаб чиқиш;

с. Махсус ёрдамга муҳтож болалар коррекцион таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш ва бошқалар.

2). Махсус таълим ва тарбия мазмунини такомиллаштириш бандининг бош масаласи инклюзив таълим тизимидир:

а. болалар боғчалари ва мактабларида инклюзив таълим стратегиясини амалга ошириш. Умумтаълим мактаб ўқитувчилари билан махсус мактаб ўқитувчиларининг ҳамкорликда ишлашига эришиш;

б. “Таълим тўғрисида”ги Қонунда инклюзив таълимни қўллаб-қувватловчи молиявий воситаларни ҳаракатлантирувчи механизмларини асослаш ва қонуний тасдиқлашни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

с. имконияти чекланган мактабгача ёшдаги болаларнинг скрининг ҳолатини аниқлаш. Имконияти чекланган болаларни умумтаълим мактабларига жалб этишда улардаги нуқсонларнинг тури ва даражаси, шу ҳудуддага шароитлардан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш.

Ташхис марказлари ходимлари иш фаолиятига боғча ва мактабларга инклюзив таълим стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мажбуриятини киритиш кабилар.

IX. йўналишнинг IV. банди инклюзив таълим тизимини ўқув услубий томондан такомиллаштириш хусусида бўлиб, унда қуйидагилар баён этилган:

а. оддий синфларда махсус эҳтиёжли болаларни ўқитиш режалари, баҳолаш ва синфдан синфга ўтказиш тизимини соддалаштириш;

б. мактабларнинг дарсликлар, услубий қўлланмалар, дастурларга эҳтиёжини аниқлаб, мазкур адабиётларни етказиб бериш, дарсликлар мазмунини такомиллаштириш (2003-2005 йиллар);

г. инклюзив мактаб ўқитувчилари ва ўқув режалари зиммасига юклатилган вазифаларни қайта кўриб чиқиш, таълим стандарти, шунингдек махсус эҳтиёжлари мавжуд болаларнинг оддий синфларда билим олишларини назарда тутадиган ихчам ва ўзгарувчан режалар тузиш (2005-2010);

д. инклюзив мактаблар ўқувчилари ва ота-оналар учун услубий қўлланмалар, ўқитувчилар учун ўқув материаллари тайёрлаш ва таъминлаш.

Таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, “Таълим ҳамма учун” Миллий дастур режаси ҳар томонлама мукамал тузилган. Режа дастурнинг V банди “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” деб номланади. Чунки инклюзив таълим тизимини жорий этиш юқори малакали кадрларсиз самарали кечмайди. Жумладан, дастурда “Умумий таълим муассасалари педагогларини инклюзив таълим бўйича қайта тайёрлаш. Барча гуманитар ўрта махсус ва олий ўқув юртларида инклюзив таълим асослари бўйича курс киритиш (2003-2005)” каби масалалар ўрин олган.

“Таълим ҳамма учун” Миллий дастур режасида юқоридагилардан ташқари инклюзив таълим тизимини жорий этишнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этишда қонунчилик ва меъёрий базани такомиллаштариш, инклюзив таълимни

жорий этишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарурияти ва бошқа масалалар ҳам қайд этилган. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбиялаш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга. Психолого - Тиббий - педагогик комиссиянинг тавсияси билан жисмоний ёки руҳий ривожланишида муаммолари бўлган болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин, деб белгилаб берилган. Хулоса қилиб айтганда юқорида келтирилган барча меъёрий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимни жорий қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Инклюзив таълим курсининг вазифалари

Инклюзив таълим тизимида қуйидаги мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши талаб этилади:

- таълим муассасасида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг таълим олишлари учун зарурий психолого - педагогик, коррекцион шароитларни яратиш, уларнинг имкониятига йўналтирилган умумтаълим дастурлари ва коррекцион ишларни амалга ошириш орқали руҳий ривожланиши, ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш;

- ўқувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;

- жамиятнинг ва оиланинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом болаларнинг эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш;

- имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни оилалардан ажрамаган ҳолда

яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;

- жамиятда имкониятти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан дўстона ва меҳр-муҳаббатли муносабатни шакллантиришдир.

Имконияти чекланган бола ҳам барча болалардек бола ҳисобланади ва у тан олиниши, ҳурматга сазовор бўлишига ҳақли, шунинг учун уларни нуқсон билан аталиши номақбул ҳисобланади.

Бола, у қандай ҳолатда ва қандай имкониятга эга булишидан қатъий назар хар доим катталар ёрдамига муҳтождир. Уни ажратиш ёки алоҳида ном билан аташ инсонпарварлик нуқтаи назарига тугри келмайди. Агар имконияти чекланган болаларга нисбатан «аномал болалар», «ногирон болалар», «кўр болалар», «кар болалар», «ақли заиф болалар», «харакат таянч аъзолари фалажланган болалар» ва х. к. тушунчалар ишлатилиб келинди. Аммо ушбу тушунчалар имконияти чекланган болаларни ҳуқуқларини поймол қилади. Ота-оналарга ҳам салбий таъсир этади. Имконияти чекланган болалар меъёрда ривожланишдаги болалар каби топшириқ ва вазифаларни тезлик билан мукамал амалга ошира олмасаларда, аммо имконият даражасида бажара



оладилар. Боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ижобий муносабатда бўлиш тарбиялашнинг муҳим усулидир. Шунинг учун ҳам таҳқирлашларга юл қуймаслик талаб этилади

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Инклюзив таълим деганда нимани тушунасиш.
2. Инклюзив таълим мақсади нимадан иборат.
3. Инклюзив таълим вазифалари нимадан иборат.
4. Инклюзив таълим таъмойилларини ёритинг.

Адабиётлар:

1. Р. Ш. Шомахмудова. “Махсус ва инклюзив таълим” услубий қўлланма. Тошкент-2011 йил.
2. Л.Р.Муминова. Инклюзив таълим. Тошкент- 2014 йил.

Қўшимча адабиётлар:

1. Туре Ёнссон. . Инклюзив таълим. Тошкент -2003.

2-мавзу. Имконияти чекланган болалар турлари ва уларни инклюзив таълимга жалб этиш. Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар ва сабаблари.

РЕЖА:

1. *Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар.*
2. *РНБ болалар турлари.*
3. *Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжларни келтириб чиқарувчи сабаблар.*

Таянч тушунчалар: инклюзив таълим, имконияти чекланган болалар, коррекция.

Инклюзия барча ўқувчиларни ўзаро ҳамкорлигини қўлловчи ўқувчилар ҳамжамиятини ичида индивидуал фарқларни ўрганиш ва ҳурмат қилишга юналтирилган. (Джексон, Риндек ва Биллингсли,2000). Ногиронлиги бор одамларга йўналтирилганлигига қарамасдан инклюзия бутун таълим тизимини ўзгартиришга қаратилган. Таълим тизими ҳамма ўқувчиларнинг кучли томонлари, тажрибаларига мослашган бўлиши керак. Инклюзив дастурлар ҳамма ўқувчиларга жамиятда ютуқларга эришишда ёрдам беради, уларни қизиқтирувчи, мослашган ўқув режаларига киришни таклиф этади(Фишер ва Фрей, 2001; Роуч, Селисбюри ва Макгрегор, 2002). Бунга эришиш учун педагоглар барча ўқувчиларга умумий ўқув режасига асосланган



индивидуаллаштирилган кутилаётган натижаларни аниқлайдилар (Метлок, Фиелдер ва Волш, 2001) ҳамда мослаштирилган таълим техникасини таклиф қилиб, бу орқали ўқувчиларга муваффақиятли таълим олишлари учун индивидуал мослашишга ёрдам берадилар.

Инклюзия ва мейнстримингни таққослаш

Инклюзия	Мейстиминг
Ким	
<ul style="list-style-type: none"> • Ҳамма ўқувчилар умумий таълим тизимидаги синфларда ўқиш ҳуқуқига эга. 	<ul style="list-style-type: none"> • Педагог томонидан аниқланувчи тайёргарлик даражаси мувофиқ бўлган ҳамда педагог томонидан танланган ўқувчиларгина умум таълим тизимидаги синфларда ўқиш ҳуқуқига эга
Нима	
<ul style="list-style-type: none"> • Умумий ўқув режасига тўлиқ кириш ҳуқуқи (Таълим дастурлари буйича), шунингдек ҳамма таълимий ва ижтимоий тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқи 	<ul style="list-style-type: none"> • Умумий ўқув режасига, таълимий ва ижтимоий тадбирларга танланган кириш.
Қаерда ва қачон	
<ul style="list-style-type: none"> • Бутун кун давомида умумий ўқув таълими синфларида ўқиш 	<ul style="list-style-type: none"> • Умумий таълим тизимлари синфларида қисман ёки тўла ўқиш.
Қандай	
<ul style="list-style-type: none"> • Ҳизматларнинг тўлиқ спектори умумий таълим тизими муҳитида мужассам қилинган (масалан гуруҳларда таълим). • Умумий ва махсус таълим бирлаштирилган таълим тизимига мужассам этилган. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳизматларнинг тўлиқ спектори умумий таълим синфида ҳам ва ундан ташқарида ҳам берилади (масалан ресурс хонасида). • Умумий ва махсус таълим таълимнинг алоҳида тизимлари сифатида сақланади.
Нима учун	
<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни академик, ижтимоий ҳиссиётли, хулқий ва жисмоний ривожлантириш учун ва уларни жамиятга ўз хиссаларини қўшишларига тайёрлашга рағбатлантириш учун 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни академик, ижтимоий-ҳиссий, хулқий ва жисмоний ривожланиши ҳамда уларнинг жамиятга ўз хиссаларини қўшишларини рағбатлантириш учун

Инклюзив таълимга жалб этиладиган болалар:

- Рухий ривожланиши сустлашган болалар;
- Ҳаракат муаозанати бузилган;
- Ўз-ўзига хизмат қила оладиган енгил даражасидаги акли заиф болалар

• Нутқида нуқсони бўлган (мулоқоти чекланмайдиган даражадаги) болалар:

- Заиф кўрувчи болалар ва ўсмирлар:
- Заиф эшитувчи ва кеч (5 ёшдан кейин) қар бўлган болалар:
- Кўзи ожиз (брайл ёзуви ва ўқишни эгаллаган) болалар ва ўсмирлар:
- Заиф кўрувчи кўриш қобилияти (04 даражагача) бўлган болалар:
- Қар (мулоқот даражасида нутқи бўлган, ўқиш ва ёзишни эгаллаган) болалар ва ўсмирлар.

Инклюзив таълим методик ёрдам тури, турли хил шаклларда бўлиб, улар куйидагиларни ўз ичига олади:

- синф ўқитувчисига маслаҳатча ёрдам бериш;
- махсус ўқитиш қўлланмалари ва ёрдамчи материаллар билан таъминлаш;
- ота – оналар, кўнгиллилар ёки катта ўқитувчилар томонидан мавжуд бўлган ёрдамларни таъминлаш;
- ўқув режа дарс жадвали, баҳолаш мезоларига мослаштириш ва ўзгаришлар билан таништириш;
- ўқитувчилар билим ва малакаларини ошириш учун шароит яратиш;
- фаол қўллаб – қувватловчи раҳбар ва шу қабиларни ўз имконияти чекланганига олган ижобий мактаб мухитини ташкил этишга таълим жараёнида дўстона муносабатни шакллантириш;
- маъмуриятга болаларнинг аниқлаш ва баҳолашда ёрдам кўрсатиш;
- ижтимоий психологик ва соғлиқни сақлаш хизматларини мувофиқлаштириш каби ишларни амалга оширишдан иборат.

Инклюзив таълимда алоҳида эҳтиёжли болаларга таълим тарбия бериш боланинг нуқсон турига кўра синфни ва дарс жараёнини мослаштиришни талаб этади.

Инклюзив таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилиши:

• Инклюзив таълим ташкил этилган барча умумтаълим мактабларда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатдан дўстона муносабат рухий шаклланади.

• Инклюзив таълимни амалга ошираётган умумтаълим мактабларида давлат таълим стандартларига илова сифатида имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун коррекцион дастурлар ҳам инобатга олинади, махсус коррекцион ишларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади (махсус жиҳозланган коррекцион хонаси, махсус техник воситалар).

• Инклюзив таълимни амалга ошираётган умумтаълим мактабларида тайёрлов гуруҳ ва биринчи синфларда 35 дақиқа, юқори синфларда 45 дақиқадан дарслар олиб борилади.

• Имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг билимлари уларнинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига асосланган ҳолда белгиланган тартибда баҳоланади.



- Таълим жараёнида замонавий умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда махсус тамойиллар ҳам эътиборга олинади.

- Коррекцион таълим ўқувчиларнинг эҳтиёжларига кўра табақалаштирилган ҳолда ташкил этилади.

- Инклюзив таълим амалга ошираётган умумтаълим мактабига ўқувчилар ота- оналарнинг аризаси ҳамда “психолого-педагогик комиссия”лар хулосалари асосида қабул қилинади ва таълим муассасаларининг раҳбарларининг буйруғлари билан тасдиқланади.

Инклюзив таълим амалга ошираётган умумтаълим мактабдаги синфларда интеграция қилинган ўқувчилар сони 3-4 нафардан оширилмайди ҳамда ўқувчиларнинг умумий сони 25 нафаргача белгиланади

Кўришида нуқсони бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш. Ўқитувчи кўришида нуқсони бўлган боладан (агарда у заиф кўрувчи бўлса) синф тахтасини кўриш учун энг қулай жойга сураб уни ўша жойга ўтказиши лозим;

- Агар кўришида нуқсони бўлган боланинг кўзлари ёруғликка сезгир бўлса, уни дераза ёнига ўтказаслик керак. Шунинг учун ҳам боланинг кўзларини ёруғликдан сақлаш учун картон тўсикни ишлатиш мумкин;

- Синфдаги энг ахлоқий ва олижаноб ўқувчиларни аниқлаб, кўришида нуқсони бўлган болага «йўл бошловчи» ўқувчи қилиб тайинланса юқори натижага эришиш мумкин;

- Ўқитувчи синф тахтасига ёзилган маълумотларни баланд овозда ўқиши талаб этилади;

- Кўришида нуқсони бўлган бола маълумотларни эшитиш ва тактил сезгилари асосида эгалайдилар. Шунинг учун ҳам уларга буюмларни ушлаб кўриш имкониятини бериш керак;

- Ўқитувчи синфий мунозараларда ким гапираётганлигини кўришида нуқсони бўлган бола билиши учун ҳар бир ўқувчининг исмини айтиб туриши керак.

Эшитишда нуқсони бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш

1. Эшитишда нуқсони бўлган болани ўқитувчи ва доскага яқинроқ (3 метрдан ошмаслиги), синфдагиларнинг барчасини кўра оладиган жойга ўтказиш ;

2. Ўқитувчи дарс жараёнида факт синфга ўқувчиларга қараб дарс ўтиши, эшитмайдиган ўқувчиларни ўзига қаратиб дарс бошлаши; Ўқитувчи мавзунини тушинтираётган пайтда китоб ёки бошқа буюмлар билан юзини бекитмаслиги, доскадаги маълумотлар хақида тушунча бераётганда эса орқа томони билан туриб қолмаслиги шарт. Чунки эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг кўпчилиги ўқув материални, тушунтириш, мурожаат ва ҳ.о.ларни лабдан ўқиш асосида қабул қила оладилар;



3. Инклюзив синф хонаси яхши ёритилган бўлиши керак. Чунки эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юзини, қўлларини ёки лабини яхши кўриши керак;

4. Эшитишда нуқсони бўлган болани бошқа болаларнинг лабини кўра олиши учун парталарни шунга мувофиқ тарзда жойлаштириш лозим;

5. Доимий равишда синфда шовқин кўтармаслиги талаб этилади. Инклюзив синф хонаси мактабнинг таянч ва сокин тарафида бўлиши талаб этилади;

6. Ўқитувчи аниқ талаффуз ва баланд овозда лекин бакирмасдан гапириши тавсия этилади.

Таянч ҳаракат аъзолардаида инклюзив таълимида муаммолари бўлган болалар синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш

Енгил даражаги серебрял фалаж болани умумтаълим синфларда ўқитиш учун кўп нарса талаб этилмайди. Аммо оғир даражадаги серебрял фалаж болани умумтаълим тизимида ўқитиш синфни мослаштириш бир ўз мураккаброк.Бунинг учун синфни мослаштириш куйдаги имконияти чекланган бўлиши мумкин:

1. Серебрал фалаж бола ўтирганда боши ва гавдасини тўғри тутиш учун масус ўриндиқлар;

2. Боланинг бўйини керакли даражада тута олиши учун махсус ўриндиқлар;

3. Ўқитувчи ва тенгдошлар болани тушуна олишлари учун мулоқат тахталари (масалан, расм ёки турли рамзий белгилардан ташкил топган тахталар);

4. Бола синфда ҳаракатлана олиши учун синф хонасининг деворлариёнига ёрдамчи воситалар қўйиш;

5. Синф хона парталари серебрял фалаж боланинг аравачаси учун мослаштириш;

6. Агар боланинг нутқида оғир нуқсонлар бўлса мулоқатнинг бошқа шакллардан, масалан расмлар ёки чизилган размий карточкалардан фойдаланиш мумкин. Улар синф тахтасига жойлаштирилса, бола ўз фикрини бу воситалар орқали ифода этади;

7. Болани саволлар беришга унданг, лекин унга ўз нутқи билан ёки бошқа воситалар орқали жавоб беришга фурсат беринг;

8. Комплекс ёрдам (тиббиёт ходими логопед, массажист ёрдами) турини ташкил этиш;

9. Тенгдошларидан бола билан ўзаро мулоқат қилишларини сўранг, чунки болалар доимо бир бирлари билан мулоқат қилиш йўлини топадилар;

Қўл, оёқларни бошқара олишда қийналган болалар ёзишда жуда кўп қийинчиликларга учрайдилар. Шунинг учун уларнинг ёзишларга қўшимча вақт ажратиш лозим ёки уларга маълумотнинг нусхаси берилиши ёки бошқа ўқувчи уларга ёзиб бериши мумкин.

Енгил даражадаги ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш

1. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар диққатини тарқоқлигини ҳисобга олиб партада ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак;
2. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар тез чарчаб қолишини ҳисобга олган ҳолда, улар ҳаракатда бўлиш имконини берувчи топшириқлар бериб туриш («дафтарларни йиғ», «доскани тозала» каби);
3. Ҳар бир дарсда жисмоний дақиқа ўтказишни унутмаслик;
4. Синфда лидер қобилиятига эга бўлган ўқувчини аниқлаб, «синф бошқарувчиси» (имконияти чеклангангина ўқитувчи) этиб тайинлаш (бу ўқувидан ўқитувчи ақлий ривожланишида муаммоси бўлган бола билан ишлаётганда кўпроқ фойдаланади);
5. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болаларни синфдаги энг аълочи ўқувчи билан бирга ўтказиш;
6. Дарсда асосий кўргазмалликка тайинлаш;
7. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болага топшириқларни қисмларга бўлиб бериш;
8. Болани рағбатлантиришни унутмаслик;
9. Усулларнинг хилма – хиллигидан доимий равишда фойдаланиш;
10. Ўйин методларига максимал даражада таяниш;
11. Бола топшириқни бажараётганда унга кўшимча ёки амалий кўрсатма ҳам бериш;
12. Синф жамоасига ақлий ривожланишида муаммоси бўлган боланинг ҳам хиссаси қўшиладиган топшириқлар бериш;
13. Доимий равишда ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болани назорат остига олиш.

Синф ва гуруҳларда инклюзив таълим тушунчасини ривожлантириш

Болалар онгида ирқчилик, ногиронлик ҳамда имкониятлар кенглиги ҳусусида тўғри тушунчаларни шакллантириш инклюзив таълимнинг самарадорлигини оширишда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри тушунчаларнинг мавжудлиги сабабли имконияти чекланган болалар ҳақорати ва масхараланишига дучор бўлмоқдалар. Бундан ҳам аянчлиси шу каби салбий муносабатдаги хулқ-атворни айрим ўқитувчиларнинг эътиборсиз қолдираётганлигидир. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун ҳам барча мактабларда ҳамма болалар учун тенг ҳуқуқли, сеvimли, дўстона илиқ муносабатдаги муҳитни яратиш лозим. Мактабда ирқчиликни, ногиронлик устидан кулишни қораланиши ва ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик тушунчасини шакллантириш керак. Биз қуйида болалар ўртасида тенг ҳуқуқликни тушунчаларни шакллантириш буйимконияти чеклангана тавсиялар берилди:

-Педагоглар барча синфларда болалар ўз ҳаётлари ва хис туйғуларини муҳокама қила оладиган ўзоро қўллаб – қувватловчи ва ҳамжихатликдаги ижобий муҳитни яратишга ёрдам беришлари лозим;



-Ўқувчилар онгига ногиронлик – алохидалик эмас, балки камчиликни мажудлиги натижасида имкониятлар чегараланганлигини тушунтира билиш лозим. Ногирон болалардан қўрқиш, жирканиш хисларини йўқотишга эришиш талаб этилади.

Педагоглар айрим ҳолатларда стереотипларни қўллашдан қочишлари ва ташаббуслари қўллашдан кейин ҳам болалар олдида шархламасликлари лозим. Улар болаларга нима учун лақаб қўйиш, масҳара қилиш, салбий муносабатларни юзага келтиришини тушунтириб беришлари ва бунга йўл қўймасликлари талаб этилади.

Зарур бўлган ҳолатларда имконияти чекланган болаларда айрим ўқувчилар тамонидан билдиралаётган салбий муносабатларни бутун синф билан муҳокама қилиш ўринли ҳисобланади. Ижобий натижага эришиш учун охиргача кўрашиш лозим.

Хар бир муҳокама болаларнинг ютуқларининг унинг аввалги ютуқларига салиштириб, кайд этиб, такидлаб бориш муҳимдир. Ўқувчилар билан турли хилдаги ва психологик тестлар ўтказишда боланинг ирқиға, ижтимоий келиб чиқишига, жинси ва ногиронликка оид саволларни бермаслик айна муддао.

Ўқитувчилар ишларини ва уларнинг ютуқларини барча соҳаларида мактаб ва мактабдан ташқари ишларда намоёиш килиб бориш керак. Дарсларга материаллар тайёрлашда имконияти чекланган боланинг ижод намуналарини ҳам куллаш жуда самара беради.

Китоб, плакатлар ва дастурларни куллаётиб, шунга ишонч ҳосил қилиш керакки, улар инклюзив таълимга мос келиши керак. Мактаблар очик бўлиши, ўқувчилар, ота-оналар ва педагоглар мулоқат қила билиши керак.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Инклюзив таълимга жалб этиладиган болаларга таъриф беринг.
2. Инклюзив таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилишини изоҳланг.
3. Синф ва гуруҳларда инклюзив таълим тушунчасини ривожлантириш ҳақида тушунча беринг.

Адабиётлар:

1. Р. Ш. Шомахмудова. “Махсус ва инклюзив таълим” услубий қўлланма. Тошкент-2011 йил.

Қўшимча адабиётлар:

1. Л.Р.Муминова. Инклюзив таълим. Тошкент- 2014 йил.



3-мавзу. Дунё миқёсида ва Ўзбекистонда алоҳида эътиборга муҳтож шахслар таълим-тарбияси учун яратилган шарт-шароитлар.

РЕЖА

1. Инклюзив ва Интеграция машғулоти.
2. Амалий машғулотларни ташкил этиш.
3. Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий-эстетик тарбиялаш

Таянч тушунчалар: инклюзив таълим, имконияти чекланган болалар, коррекция.

1991 йилда Ўзбекистонда имконияти чекланган, таълим олишга муҳтож бўлган болаларни қўллаб қувватлаш тўғрисидаги қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши махсус ёрдамга муҳтож бўлган болаларнинг таълим тизимини ислоҳ этишнинг дастлабки босқичи ҳисобланди. Республикамизда инклюзив таълимни жорий этишда Ўзбекистон Республикаси конституцияси, «Таълим тўғрисида» ги қонун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ХТВ томонидан тасдиқланган «Инклюзив таълим» муваққат низоми (2005 йил), Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар таълим ҳақидаги муваққат низом ва ривожланган ҳорижий давлатларнинг иш услубларини ўрганишга асосланади.

1996 йилнинг ноябр ойида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси ташаббуси асосида Тошкентда «Махсус таълим соҳасида инклюзив усуллар» мавзусида миллий ўқув дастур муваффақиятли амалга оширилган. 1998 йилнинг октябр ойида Бухоро шаҳрида ушбу мавзу бўйича минтақавий анжуман ташкил қилинган эди. Мазкур анжуман ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ (БМТ нинг болалар жамғармаси), бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган. Ушбу тадбирлар натижасида 2001 йилда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошида Инклюзив таълим бўйича манба маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар ушбу марказ томонидан бир неча ўқув семинарлари ўтказилди ва қатор дастурлар амалга оширилиб келинмоқда.

2004 йилнинг июн ойида «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ташаббуси асосида Тошкент шаҳрида «Етим болаларнинг ижтимоий муҳофазаси» мавзусида илк бор халқаро анжуман ташкил этилди. Ушбу анжуман доирасида ногирон болалар учун таълим дастурлари муҳокама этилди. 2005 йилнинг июн ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан «Ижтимоий ночор бўлган

болаларга кўмак беришнинг самарали шакл ва усуллари» номли халқаро форум ўтказилди. Ушбу форум тавсияномалари асосида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ЮНЕСКО ташкилоти раҳнамолигида Осиё ва Тинч океани минтақасидаги маданий марказга (Токио, Япония) махсус лойиҳа тақдим этилган эди. Ушбу ЮНЕСКО маркази томонидан «Ўзбекистонда инклюзив таълимни жорий этиш бўйича боғча ва ўрта мактабларда тажрибавий гуруҳлар очиш» номли лойиҳа қўллаб-қувватланди. Ушбу инклюзив таълим лойиҳасининг асосий мақсади ногирон болаларда турфа хил малакаларни ошириш ва уларнинг қобилиятларини барқарор ривожлантириш учун шарт-шароит яратишдан иборат. Таълим тиббий ва ижтимоий хизмат билан биргаликда олиб борилади. Ота-оналар учун оилада ва маҳаллада профилактика ҳамда реабилитатсия ишлари бўйича ўқув машғулотлар ташкил этилади. Ота-оналари ногирон болаларни тарбиялаш ва уларнинг ақлий ривожланишларини рағбатлантириш асосида педагогик усуллар, уларнинг мустақил бўлишлари учун тенгдош соғлом болалар билан мулоқоти асосида ўқитиладилар. Лойиҳа Республика таълим маркази қошидаги Инклюзив таълим бўйича манба маркази томонидан Тошкент Давлат педагогика унверситетининг «Дефектология» факултети, ЮНЕСКО нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси, бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиб келинмоқда.

Республика таълим маркази ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликдаги лойиҳа режасига биноан Инклюзив таълим ресурс маркази ва интегратсион таълим тизими жорий қилинган муассасаларга услубий ва методик жиҳатдан ёрдам беради, бу таълим тизимини такомиллаштириш учун халқаро хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилади. Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш Республикаимизнинг айрим вилоятларида, жумладан Фарғона, Андижон, Хоразм, Тошкент вилоятида тажриба синов жараёни бошланган бўлиб, бу ишларни амалга оширишда нодавлат жамоалар, хорижий ташкилотлар ташаббус кўрсатмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ва Халқ, Таълим Вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларида инклюзив-коррекцион таълимнинг таянч пунктлари ташкил этилди. Улар алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълими билан шуғилланувчи, "Инклюзив таълим" дастурини амалга оширувчи ягона пунктлар ҳисобланади.

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги махсус эҳтиёжга эга бўлган болаларни ижтимоий қўллаб қувватлаш "Зиё" маркази умумтаълим мактабларига имконияти чекланган болаларни жалб этиш ЮНЕСКО лойиҳаси асосида 2004 йил ўз фаолиятини бошлади. Синов - тажриба майдонлари учун Фарғона вилояти Қўқон ва Марғилон шаҳридаги 4, 5-сонли ақли заиф болалар, 9-сонли заиф кўрувчи болалар махсус мактаб интернатларида, 64-сонли фалаж болалар боғча мажмуаси, 39-сонли нутқида нуқсонли бўлган болалар боғчаси, 1,9-сонли умумтаълим мактаблари, Андижон вилоятидаги 5, 31 - сонли умумтаълим мактаблари танланди.



Инклюзив таълим борасида тажриба-синов ишлари 2004 йил июн ойидан бошланган. Бу ишга ота-оналар, ўқитувчилар ва маҳалла қўмитаси аъзолари жалб этилди.

Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш лойиҳаси Хоразм вилоятида ҳам изчил тарзда олиб борилмоқда. Бу ишда Хоразм вилоятининг бир қатор ҳудудларида халқаро ЮНИСЕФ, “Оперейшен Мерси” нодавлат ташкилотлари ва РТМ Махсус таълим бўлими билан ҳамкорликда тузилган режасига асосан амалга ошириб келинмоқда. Инклюзив таълимнинг лойиҳаси 1999 йилдан бошланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда.

Республика таълим маркази, халқаро "Оперейшен Мерси" ташкилоти билан ҳамкорликда, шунингдек ЮНЕСКОнинг Хоразм вилоятидаги "Инклюзив таълим" таянч муассасаларида 5 та интеграция синфлари ва 10 та таянч ҳаракат аъзолари шикастланган болалар учун яқка тартибда "инклюзив таълим" ташкил этилди.

2002—2005 чи йилларга келиб 10 та умумтаълим мактабларида 50 нафардан зиёд бола инклюзив синфларда ўқиш учун жалб қилинди. Уларга ресурс педагог бириктирилди. Хива шаҳрида педагоглар, ота-оналар, медитсина ходимлари иштирокида семинар - тренинглар ташкил этилди.

Олиб борилган ишлар натижасида имконияти чекланган болалар таълимига жамоатчилик ташкилотларининг муносабати ўзгарди, ота-оналарнинг болаларга эътибори ортди, таълим олишлари учун қизиқа бошладилар. Энг аҳамиятлиси болаларнинг тенқурлари каби таълим олишига эришилди.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Имкон" марказида 80 дан ортиқ, ривожланишида турли нуқсонли бўлган болалар инклюзив таълимга жалб этилган.

Қорақалпоғистон Республикасида имконияти чекланган, таълимдан четда қолган ногирон болаларни аниқлаш ва уларни таълимга жалб қилиш мақсадида оилаларга, ташхис марказларига, ХТБларда болаларни таълим тизимига киритиш масалалари ва улар учун шарт-шароитлар яратишга оид муаммолар устида тўхталиб ўтилди. Умумтаълим педагоглари ва ота оналар учун тренинг-семинарлар ўтказдилар. (2005-2006 йиллар)

“Инклюзив таълим орқали болага дўстона муносабат ўрнатиш” лойиҳаси асосида қуйидаги натижаларга эришилди:

- 300 дан ортиқ умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўқитилди;
- 80дан ортиқ ота-оналар инклюзив таълимнинг асослари ва ногиронлик сабаблари хусусида маълумот ва билимга эга бўлдилар;
- 3 та методик тавсия ишлаб чиқилиб, улардан бири “Инклюзив таълим асосида болага дўстона муносабатни шакллантириш” масалалари хусусида;
- Семинарда иштирок этган 330та ўқитувчи ва жойлардаги “Ташхис” марказлари раҳбарлари ёрдами билан 558 та таълимдан четда қолган, яъни уйда яқка тартибда таълим олаётган махсус эҳтиёжли болалар таълим тизимига киритилди.



Халқ таълим вазирлиги ва Юнеско ташаббусига биноан инклюзив таълим маркази ташкил этилди. “Инклюзив таълим ресурс маркази Низоми” тузилиб, унга мувофиқ Ресурс марказ қуйидаги вазифаларни амалга оширибю келмоқда:

-таълимга жалб этилмаган имконияти чекланган болалар таълимини ташкил этишга кўмаклашиш;

-инклюзив синф ва гуруҳларни ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш;

-жойлардаги ресурс марказларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

-имконияти чекланган болаларнинг ота-оналарига фарзандларини тарбиялаш, мактабга ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид турли шаклдаги тадбирларни ташкил этиш, маслаҳатлар бериш;

-имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга таълим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ишларини амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида инклюзив синфлар ва гуруҳлар ташкил этиш, таълимни интегратсия асосида олиб бориш кабилар.

Инклюзив таълим-бу инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи таълим йўналишилигини, ҳар бир шахс ҳаёти давомида инсон учун берилган омиллардан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги хусусида ўз қарашларини билдирди.

“Таълим ҳамма учун” Миллий дастурини жорий қилиш босқичлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:

“Таълим ҳамма учун” умуммиллий дастурининг моҳиятини тарғибот қилиш;

Республикада имконияти чекланган болалар инклюзив таълимини ташкил этиш бўйича меъёрий методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

-имконияти чекланган болаларни эрта ташхис қилишнинг замонавий услулаларни муҳокама қилиш;

-психолого-тиббий-педагогик комиссия, Ташхис марказлари, психологик хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш;

Соғлиқни сақлаш, Мехнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги каби ташкилотларнинг имконияти чекланган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш, даволаш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолиятини жонлантириш;

-имконияти чекланган болаларга таълим бериш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш;

-инклюзив таълим жараёнида учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш йўллари билан таништириш .

Инклюзив таълим тизимини Ўзбекистонда жорий қилиш ва ундаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида турли хил чора-тадбирлар уюштириш, матбуот-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари бир мунча фаоллашди.

Инклюзив таълим алоҳида ёрдамга мухтож болаларни меъёрда ривожланишдаги болалар билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида таълим - тарбия олишларини таъминлайди. Шунинг учун ҳам аҳамиятлидир.

БМТ томонидан **1948** йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да “Таълим олиш ҳар бир инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқи” эканлиги алоҳида эътироф этилган.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” барча инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлар экан, бу Декларациянинг барча бандлари махсус эҳтиёжли инсонларга ҳам тегишлилиги аниқланди.

Ногирон шахсларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш ва кафолатлаш мақсадида БМТ **1975** йилда “Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларацияни қабул қилди. Мазкур Декларацияда таъкидланишича: “Ногиронлар шахсиятини ҳурмат қилиш ҳуқуқи уларда туғилиши билан мавжуд бўлади. Ногиронликнинг келиб чиқиши, табиати ва жиддийлик даражасидан қатъий назар, фуқаро ўз ёшидаги тенгдошлари билан бир хил ҳуқуқларга эгадирларким, шу билан бирга улар мумкин қадар тўлақонли яхши ҳаёт кечириш ҳуқуқига ҳам эга” (“Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларация, **3-модда**).

Худди шундай болаларни ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида БМТ **1989** йилда “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси”ни қабул қилди. “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” болаларнинг ҳуқуқларини ҳамма жойда ҳимоялаш мақсадида ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳалқаро шартнома ҳисобланади. У қарийб бутун жаҳон мамлакатлари томонидан ратификатсия қилинган. Конвенцияни ратификатсия қилган 191 мамлакат кўнгилли тарзда зиммаларига “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” қоидаларини маъмурий қонунчилик, суд ва бошқа чора-тадбирлар ёрдамида ҳаётга татбиқ этиш мажбуриятини олдилар.

“Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” комплекс ва кўп қиррали характерда бўлиб, бу барча болалар учун инсон ҳуқуқларининг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий сингари жабҳаларни таъмин этадиган ягона Конвенциядир.

Бу конвенция қатъий фаолият кўрсатади. Барча ҳукуматларни ҳамма болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш учун саъй - ҳаракатлар қабул этишга чақиради. Шунингдек, бу Конвенция яхлитдир, чунки унда таъкидланишича, барча ҳуқуқлар муҳим, муштарак, бир-бирларига боғлиқ ва тенгдир. “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси” барча болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Мазкур Конвенциянинг **2-моддасида** “Болалар, уларнинг ота-оналари, боқувчиларининг ирқлари, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, соғлиғи, қандай ҳолатда туғилганликлари ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар камситишларга маҳкум этилмасилиги керак”-деб қатъий белгиланган. Демак, бу Конвенциядаги барча ҳуқуқлар махсус ёрдамга муҳтож болалар учун ҳам тегишли бўлиб, уларга барча болалар қатори тенг муносабатда бўлиш кафолатланади. Шундай экан, “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” махсус эҳтиёжли болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини ҳам кафолатлайди. Айнан **28-модда** “Таълим инсоннинг сиёсий ҳуқуқи”, деб номланган бўлиб, унда иштирокчи давлатлар барча болаларнинг илм олиш ҳуқуқини эътироф этадилар,

ҳамда ана шу ҳуқуқни тенг имкониятлар асосида амалга оширишга аста - секин эришиш мақсадида, бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий этадилар, - дейилган. Ушбу модда махсус эҳтиёжли болаларнинг ҳам таълим олишларини, улар учун ҳам таълимнинг мажбурий эканлигини кўрсатиб турибди. “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” махсус эҳтиёжли болаларнинг ҳам барча ҳуқуқларини кафолатлар экан, “барча ҳуқуқлар барча болаларга” тамойили эътироф этилиши маълум бўлди. Шунингдек, “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг 23-бандида махсус эҳтиёжли болаларнинг таълим - тарбияси хусусида қисқа ва аниқ қилиб қуйидагича таъкидланган: “Ногирон боланинг махсус эҳтиёжларини аниқлаб, унинг ижтимоий ҳаётга қўшилиши ва шахс сифатида ривожлана олишига етакловчи восита ҳисобланган таълим олишга ҳар томонлама ёрдам берилиши лозим”. Бу қоидадан шу нарса аён бўладики, махсус эҳтиёжли болалар ҳам жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиши, маданиятга ҳамоҳанг бўлиб ўсиши, унинг бойликларидан, гўзаллигидан баҳра олиб жамиятнинг ривожига ҳисса қўшишларининг аҳамияти жуда каттадир. Мана шундай имкониятлардан фойдаланиш ва жорий этишда махсус таълим муассасаларининг таълим тизими ва мазмуни талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам инсонпарварлик нуктаи назаридан жаҳондаги кўплаб мамлакатлар махсус-сегрегатсион таълим тизимини инкор эта бошлади.

Бунинг натижасида эса **1990** йилда Таиландда ўта муҳим Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда “Таълим ҳамма учун ” Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинди. “Таълим ҳамма учун” Умумжаҳон Декларациясини дунёнинг 155та давлат ҳукуматлари ва 150 дан ортиқ нодавлат ташкилотлари қабул қилдилар. “Таълим ҳамма учун ” Умумжаҳон Декларацияси ҳар бир боланинг тўлақонли ва мукаммал таълим олишини кафолатлади.

Ушбу Декларацияда қуйидагича баёнот қабул қилинган: “Мактаблар болаларнинг имкониятига қараб эмас, иш сифати ва мактаб таълимига жавоб бериши билан характерланади. Улар қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир боланинг ҳуқуқи оммавий мактабда таълим-тарбия олишни талаб этади;
- ўқитишнинг метод ва методикалари боланинг нуқсонига қараб танланади;
- мактабда тўлалигича коррекцион педагогик ёрдам ташкил этилади;
- болалар тўғрисидаги қарор комплекс тарзда қабул қилинади;
- боланинг ҳар бир шахсий ҳуқуқи кафолатланади;
- мактабда интегратсия тамойилига ўқув режанинг асоси сифатида қаралади;
- инклюзив мактабларнинг моддий таъминоти яхшиланади”.

“Таълим ҳамма учун ” мақсадларини амалга ошириш ва махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг тўлақонли мукаммал таълим олишларини таъминлаш мақсадида 1994 йилнинг 7-10 июн кунларида Испания давлатининг ва ЮНЕСКОнинг ёрдамида Саламанка шаҳри (Испания)да иккинчи йирик Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтганлиги аниқланди. Мазкур Конференция “Саламанка Декларацияси ва алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълимининг келгусида ижросини таъминлаш Рамкаси” деб аталиб, шу йили “Саламанка

баёности ва иш фаолият Режаси” номи билан унинг иш мазмуни нашр этилди. Бу ҳужжатда ҳуқуқлар бўйича баёнотлар мазмунларини ёритувчи фикрлар баён этилган. Саламанка баёности ва иш фаолияти Режасининг асосий етакчи тамойили шундан иборатки, мактаблар барча болаларни, уларнинг жисмоний, ақлий, ижтимоий, ҳиссий, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар ўқишга қабул қилишлари лозим. Мазкур ҳужжатда таъкидланишича:

“Ҳар бир бола таълим олиш ва ўзига мувофиқ даражада билимга эришиш ҳуқуқига эга:

- Таълим тизими ва таълимий дастурлар турли хил хусусият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тузилиб, шу ишга йўналтирилсин. Махсус ёрдамга муҳтож болалар учун оддий мактабларга бориш имконияти яратилсин;

- Махсус ёрдамга муҳтож болалар билан ишлаш оддий мактабларнинг иш фаолияти доирасига кирар экан, бу жараён қуйидаги мақсадларга эришишнинг энг самарали воситаси бўла олади:

- Ажратиб қўйиш иллатига қарши кураш;
- Дўстона инсонпарвар жамоаларни яратиш, ўз таркибига махсус эҳтиёжлари бўлган шахсларни олган жамиятни куриш;
- Барча болаларнинг таълим олишига эришиш” (Саламанка баёности 2-банд);

Саламанка Баёности ва Иш фаолияти режасида “Таълим ҳамма учун” шиори илгари сурилмоқда. “Таълим ҳамма учун” шиори деганда ногирон бўлган ёки жамият ичида ажратиб қўйилган гуруҳлардан келиб чиққан болаларнинг ҳам тенгҳуқуқлилик асосида таълим олишлари тушунилади.

Ушбу ҳаракат режасининг таҳлили шуни кўрсатадики, асосланадиган муҳим тамойили қуйидагилардан иборат:

“Мактаблар жисмоний, ақлий, ижтимоий, эмотсионал, тилидаги ёки бошқа нуқсонларидан қатъий назар ҳамма болаларни қабул қилиши керак. Уларга руҳий ва жисмоний нуқсони бор болалар, бошпанасиз болалар, кўчманчи халқларга тегишли бўлган болалар, этник ёки маданий камчиликни ташкил этган оилаларнинг болалари киради” (Ҳаракат Режасига кириш 3-чи банд).

- Саламанка Баёности ва Иш фаолият Режасида махсус эҳтиёжли болаларга умумтаълим тизими шароитида инклюзив таълим бериш лозимлиги алоҳида таъкидланиб, ҳар бир боланинг бошқаларникига ўхшамаган ўз эҳтиёжлари мавжудлиги, шунингдек, ҳар бир бола яшаш жойига яқин бўлган мактабга бориш ҳуқуқига эгаллиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бундай мактабларнинг асосий мақсади барча болаларга самарали таълим берибгина қолмай, махсус эҳтиёжли болаларга нисбатан инклюзив ва илиқ муносабатли жамият яратиб, дискриминатсион ўзгаришларга барҳам беришдир.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг ташкил этилиш ҳақида гапиринг?
2. “Махсус таълим 2000” га таъриф беринг.
3. Таълимнинг индивидуал режаларини амалга ошириш қандай амалга оширилади.



Адабиётлар:

1. Р. Ш. Шомахмудова. “Махсус ва инклюзив таълим” услубий қўлланма. Тошкент-2011 йил.

4-мавзу. Алоҳида эътиборга мухтож бўлган болаларни умумтаълимга уйғунлаштириш асослари. Инклюзив таълим, унинг компонентлари.

РЕЖА:


- 1. Инклюзиянинг махсус таълим педагогларига таъсир оқибатлари.***
- 2. Ногиронлиги бўлган болалар оиласининг ўзига хослиги.***
- 3. Мактабларнинг бажарадиган ишларини белгилаб берувчи 8 та босқич “Трансформатсия тажрибаси”***

Таянч сўзлар: инклюзив дастурлар, ногиронлар оиласи, махсус таълим, индивидуал ва дифференциал ёндошув.

1991 йилда Ўзбекистонда имконияти чекланган, таълим олишга мухтож бўлган болаларни қўллаб қувватлаш тўғрисидаги қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши махсус ёрдамга мухтож бўлган болаларнинг таълим тизимини ислоҳ этишнинг дастлабки босқичи ҳисобланди. 1996 йилнинг ноябр ойида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси ташаббуси асосида Тошкентда «Махсус таълим соҳасида инклюзив усуллар» мавзусида миллий ўқув дастур муваффақиятли амалга оширилган. 1998 йилнинг октябр ойида Бухоро шаҳрида ушбу мавзу бўйича минтақавий анжуман ташкил қилинган эди. Мазкур анжуман ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ (БМТ нинг болалар жамғармаси), бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган. Ушбу тадбирлар натижасида 2001 йилда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошида Инклюзив таълим бўйича манба маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар ушбу марказ томонидан бир неча ўқув семинарлари ўтказилди ва қатор дастурлар амалга оширилиб келинмоқда. 2004 йилнинг июн

ойида «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ташаббуси асосида Тошкент шаҳрида «Етим болаларнинг ижтимоий муҳофазаси» мавзусида илк бор халқаро анжуман ташкил этилди. Ушбу анжуман доирасида ногирон болалар учун таълим дастурлари муҳокама этилди. 2005 йилнинг июн ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан «Ижтимоий ночор бўлган болаларга кўмак беришнинг самарали шакл ва усуллари» номли халқаро форум ўтказилди. Ушбу форум тавсияномалари асосида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ЮНЕСКО ташкилоти раҳнамолигида Осиё ва Тинч океани минтақасидаги маданий марказга (Токио, Япония) махсус лойиҳа тақдим этилган эди. Ушбу ЮНЕСКО маркази томонидан «Ўзбекистонда инклюзив таълимни жорий этиш бўйича боғча ва ўрта мактабларда тажрибавий гуруҳлар очиш» номли лойиҳа қўллаб-қувватланди. Ушбу инклюзив таълим лойиҳасининг асосий мақсади ногирон болаларда турфа хил малакаларни ошириш ва уларнинг қобилиятларини барқарор ривожлантириш учун шарт-шароит яратишдан иборат. Таълим тиббий ва ижтимоий хизмат билан биргаликда олиб борилади. Ота-оналар учун оилада ва маҳаллада профилактика ҳамда реабилитация ишлари бўйича ўқув машғулотлар ташкил этилади. Ота-оналари ногирон болаларни тарбиялаш ва уларнинг ақлий ривожланишларини рағбатлантириш асосида педагогик усуллар, уларнинг мустақил бўлишлари учун тенгдош соғлом болалар билан мулоқоти асосида ўқитиладилар. Инклюзив дастурларни муваффақиятли амалга оширишда педагогларнинг ҳамкорлиги муҳим омил бўлиб ҳисобланганлиги сабабли, ўтказилган тадқиқотларда ўрта махсус таълим педагогларининг инклюзив таълимга муносабатлари, бу дастурларни бажаришлари давомидаги келиб чиқадиган тажриба ва саволлари урганилди. Бу тадқиқотлар ва уларнинг натижалари куйида келтирилган кўрсатиш асосан ўқитувчиларда инклюзив таълимга муносабатлари мураккаб ва ўзгарувчан бўлиб, уларни амалиётга кириш тажрибасига қараб фарқланади. Умумий таълим ўқитувчиларининг ижобий тажрибалари ўз ичига ўқитишнинг самаралилигига юқори ишонч; ногирон ўқувчиларга нисбатан юмшоқ кунгилда қараш; уларнинг бошқа ўқувчиларга урناк була олиш мисолларини тушуниш; ҳамма ўқувчиларнинг (ногирон ва ногирон эмаслар) эҳтиёжларини қаноатлантирувчи малакаларини борлигига ишонч; янги касбдошлар билан танишиш кабилар.

**Инклюзив таълимда «Биродарлашган»
мактаблар модели**





Умумий ва махсус таълим муассасасининг мустахкам алоқадорликда амалга ошириладиган вазифалари

Инклюзив таълим мактаблари мактабгача таълим муассасаси педагогларига махсус эҳтиёжли укувларнинг педагогик ва психологик хусусиятлар хусусида кенг миқёсида маълумот бериш

Махсус таълим муассасалари дефектолог педагогларидан олинган маълумотларни амалиётда куллаш

Инклюзив таълим мактаблари педагогларига коррексия педагогик иш тизими билан мукамал таништириш

Коррексия педагогик иш тизимининг олиб борилиши хусусида махсус таълим педагогларининг кўрсатмаларини асосида амалиётга жорий этиш

Инклюзив таълим мактабларини ресурс педагог фаолияти билан таъминлаш

Инклюзив таълимни жорий қилиш учун зарурий чора тадбирлар

- Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- Эрта ташхисни юлга қуйиш;
- Махсус эҳтиёжли болаларга нисбаан жамиятда ижобий муносабат уйғотиш;
- Инклюзив таълим борасида тарғибот – ташвиқот ишларини кучайтириш;
- Ота – оналар ва ҳам жамиятнинг иштирокини кучайтириш;
- Ўқитиш учун зарур восита ва асбоб ускуналарнинг мавжудлиги;
- Таълим муассасаларини алоҳида эҳтиёжли болалар имкониятларини Ўзбекистонга олган ҳолда мослаштириш;
- Таълим бериш усулларининг алоҳида эҳтиёжли болаларга мослашувлиги;
- Кадрлар тайёрлаш жараёнида ислохотлар амалга ошириш.
- Инклюзив таълимни жорий қилиш буйимконияти чекланган халқаро ва миллий тажрибаларга асосланган ҳолда мулти медиа кутубхоналарини



ташқил эти шва уларни оммага тарғибот қилиш.

- Хар бир инклюзив таълим муассасалар тасаруфида инклюзив таълимни тарғибот қилиш, укув методик мажмуалар, дастурлар билан таминлаш ва жойлардаги маҳаллий халқ таълим органлари билан узаро алоқа тузиш, ахборотларни етказиш вазифасини бажарувчи педагоглар, ота-оналар иштирокидаги жамоавий кенгаш тузиш.


Инклюзив таълим ресурс марказининг вазифалари:


- болалардаги нуқсонларни эрта ташхис қилиш ва эрта коррекцион\педагогик ёрдамларини амалга ошириш йўлларини амалга оширишга услубий\ташқилий ёрдам бериш;
- имконияти чекланган болаларнинг ота\оналари, инклюзив таълим муассасалари педагоглари, мутахассислар, маҳалла ва жамоа ташкилотларига алоҳида эҳтиёжли болаларни тарбиялаш, мактаб таълимига тайёрлашда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;
- таълимга жалб этилмаган болалар таълимига ташқил этишга кўмаклашиш;
- инклюзив синф ва гуруҳларни ўқув методик мажмуалар, индивидуал ривожлантирувчи дастур, ўқув\методик адабиётлар, техник воситалар билан таъминлашда амалий ёрдам бериш;
- жойлардаги ресурс марказларга амалий ёрдам кўрсатиш;
- инклюзив таълимни жорий қилишнинг илмий\услубий ташқилий масалалари бўйича семинар\тренинг ва конференциялар ташқил этиш;
- ривожланишида муаммолари бўлган болаларга касб\хунар ургатиш, касб\хунар колледжларга жойлаштириш ва ижтимоий ҳаётга интегратсия қилиш масалаларида ёрдам бериш;
- инклюзив таълим масалалари бўйича маъмурий органларга хатлар билан муурожаат қилиб таклифлар киритиш.

Биз барчамиз ногиронликни тушунишдаги икки, яъни тиббий ва ижтимоий ёндашувдаги тафовутларни тушуниб етмасак, барча болалар, шу жумладан

ўта жиддий нуқсонли болаларни ҳам битта, ҳамма учун ягона, оддий ва

хайрихоҳ таълим тизимида жалб қилиш учун кураш самарасиз бўлиб қолаверади.





Жамиятни инклюзив таълимга тайёрлаш ва ижобий муносабатни уйғотиш ва амалга ошириш.

Жамиятда инсонлар орасида ногирон болалар хақида билимларнинг етишмаслиги оқибатида махсус эҳтиёжли болалар таълимдан четда қолиб кетмоқдалар. Бундан ташқари ногирон боланинг қобилиятлари, ҳуқуқлари ва эҳтиёжлари мунтазам равишда кадрланмаса, болаларда узига вақобилиятларига нисбатан салбий муносабат шаклланиб боради. Хар қандай жамиятда хар бир бола ноёб, махсус эҳтиёжли болалар эса бошқа болалар сингари ҳуқуқ, эҳтиёж ва интилишларга эга деган далилни идрок этиш зарурати мавуддир. Ушбу билимларни чуқурлаштириш буйимқонияти чеклангана иш олиб бориш бола, оила, ҳам жамият даражасида ҳамма учун муҳимдир.

- инклюзив таълим қашшоқлик ва ажратиш исқанжасидан қутулишга имкон беради;
- камситишларнинг олдини оладини олади, имқонияти чекланган болаларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлайди;
- инклюзив таълим махсус эҳтиёжли боланинг ўз оиласи ва жамият орасида бўлишига имкон беради;
- инклюзив таълим янада инклюзивликга олиб келади;

- инклюзив таълим барча учун таълим сифатини яхшилайти;
- имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари орасида табиий шароитда яшаш ва меҳнат қилишга мослашадилар;
- уларнинг ижтимоий жамияга мослашиши самарали кечади.

Юқорида келтириб ўтилганларни ҳаётга жорий этиш учун ўқитувчилар ўқувчилар билан ҳар куни уларни қизиқтирувчи ва безовта қилувчи исталган мавзуда гаплашиш имкониятини топиш керак. Бу инсонларга муносабатни муҳокама қилишнинг бошланиши бўлиши мумкин, масалан, агар бола ўз тажрибаси ҳақида гапира олмаса ҳам қолган синф эса уни қўллаб қувватласа, ёки бу болани қарашларини қоралашга ўрганиши мумкин. Бунда болалар ўзларини хавфсиз сезадилар ва ўз кўрқувларини тинч ҳолда баён этадилар. Педагог дискриминатсия илдизларини тарихий ва замонавий ҳолда шундай тушунтириш керакки, болалар инсонлардаги исалган фикрларни тушуниш ва қабул қилиш мумкинлигини англаб инсонлар, айниқса кимконияти чекланганик болалар билан ишлаш осондир. Чунки уларнинг жўшқин ҳақиқат ҳисларини қўллаши ва тун бўйи мулоқот қилиши мумкин. Бундай муаммоларни айрим болалар билан талаффузда муҳокама қилишига кўра очик муҳокамага олиб чиқиш ва жамоат билан кўриб чиқиш кўпроқ натижа беради. Лекин айрим ҳолатларда якка ҳолдаги муҳокама энг яхши вариант бўлиши мумкин. Барча синф ва гуруҳларда кимнидир ҳафа қилишган бўлса, озгина бўлса ҳам педагог дарсини тўхтатиши ва буни муҳокама қилиши лозим. Муҳокаманинг мақсади ижобий муносабатни ривожлантиришдир. Дарсларда ўқувчилар гуруҳини шундай жойлаштириш керакки, болаларда алоҳида ҳолда мосламалардан бир оз фойдаланиб ишлаш имкониятига эга бўлсин. Педагогда маълум ўқув режаларида мажбурий бўлган топшириқларга эгилувчан мослашувчан муносабатда бўлиши керак. Синфлар гуруҳларга, жуфтликларга бўлиш ва индивидуал топшириқлар торширишлари керак. Гуруҳ таркибини турли инсонлардан иборат эканлигини ишонч ҳосил қилиш гуруҳларда ногирон ва соғлом ўқувчилардан иборат бўлиши талаб этилади. Ўқитувчи ҳар бир боланинг бажарган ишини индивидуал мактаб бутун синфнинг ишини баҳолашини ва синф ютуқларини ривожланишига қақриш лозим.

Юқоридагилардан ташқари алоҳида эътиборни болалар оёқларини узоқ муддатга чалкаштириб ўтирмасликларига қаратинг. Чунки бу ноқулай, уларнинг жисмоний ривожланишларига ёмон таъсир этади ва диққатни пасайишига олиб келади. Айрим болаларга оёқларини чалкаштириб ўтириш умуман мумкин эмас. Масалан , болалар артрити болаларга , шунингдек имконияти чекланган болаларнинг қулай қтиришлари учун турли ёрдамчи воситалардан ёстиқлар, стуллар ва бошқалардан фойдаланиш керак.

Инклюзив таълимда кадрлар масаласи:

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизимида ўқитиш ўқитувчилардан икки карра масъулият билан ишлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам олий педагогик маълумотли ва малака ошириш курсларини ўтаб инклюзив таълим педагогик квалификациясини олган ўқитувчиларгина инклюзив синф ўқитувчиси этиб тайинланиши мумкин.



Инклюзив синф ўқитувчиси умумий ўрта таълим муассаса Низомида белгиланган вазифалар билан бир қаторда:

-тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишини коррекциялаш ва меъёрга келтириш ишларини олиб боради;

-болаларнинг фаоллигини, таълим самарадорлигини оширувчи методларни қўллайди;

-диққат-эътибор, хотирани, кузатувчанлик, синчковлик ва бошқа қобилиятларни тарбиялайди;

-ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини, болаларнинг билишга доир қизиқишларини ва қобилиятини ривожлантиради.

Инклюзив таълим жараёнида муассаса тарбиячиси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Тарбиячи иш фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи-дефектологлар, ота-оналар ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда соғлом ва алоҳида эҳтиёжли болалар билан олиб бориладиган машғулотларни режалаштириши ҳамда шу асосида олиб бориши керак. Шунингдек, тарбиячи алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш масаласида ота-оналарга ва қонуний вакилларга методик ёрдам кўрсатади, керакли иш ҳужжатларини юритади.

Инклюзив таълим жорий қилинган муассасада албатта психолог фаолият юритиши лозим.

Психологнинг фаолияти ҳар бир боланинг руҳий саломатлигини ҳимоялаш, руҳий ривожланишидаги камчилларини бартараф этиш ва коррекциялашга қаратилади. Муассаса психологи ҳар бир болани психологик жиҳатдан текширади, доимий равишда психолого-педагогик жиҳатдан ўрганиб боради, индивидуал ривожлантириш дастурларини тузади, алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш бўйича ота-оналарга маслаҳатлар беради, инклюзив таълим муассасасининг педагогик ҳодимларига психологик ривожлантириш масалаларида методик ёрдам кўрсатади.

Инклюзив таълим муассасасида таълим-тарбия олаётган махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг айримлари доимий равишда тиббий хизматга муҳтож бўлиши мумкин. Инклюзив таълим муассасаси **шифокор-педиатри (психоневролог)** ҳар бир боланинг руҳий асаб ҳолатини доимий равишда текшириб боради, зарурат бўлганда даволаш муолажаларини тавсия этади, коррекцион педагогик таълим жараёнида болалар соғлигини назорат қилади, ақлий ва жисмоний юкламанинг меъёрини белгилайди, ота-оналарга боланинг соматик ҳамда руҳий саломатлигини сақлаш юзасидан маслаҳатлар беради.

Инклюзив таълимда ресурс педагог ва унинг вазифалари

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим шароитида ўқитиш мактаблараро қатнаб юрувчи ўқитувчи, яъни, ресурс ўқитувчи фаолиятини талаб этади. Инклюзив таълим амалиётда мактаблараро қатнаб юрувчи ўқитувчи ва оддий синф ўқитувчисининг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари орқали амалга оширилиши мумкин.



Баъзи синфларда болани маълум бир вақтга синфдан ажратиб олиш керак бўлиши мумкин. Ҳамма вақт нима бўлсада ресурс ўқитувчи синф ўқитувчиси билан биргаликда фаолият кўрсатиши ва бу махсус таълим соҳасида мутахассисликка эга бўлиши талаб қилинади.

Мактаблараро қатнаб юривчи ресурс ногирон болалар учун керак бўлган қўлланмалар, жихозлар билан таъминлаш, ҳомийлар топиш, ота-оналарни мактабга ёрдам беришга жалб қилиш ва имконияти чекланган болалар, соғлом болалар ҳамда синф ўқитувчиси ўртасидаги мустаҳкам алоқани ўрнатиш, масус ресурс қўлланмаларни таъминлаш орқали ёрдам бериш, ота-оналар, болалар, оддий синф ўқитувчилари ва мактаб маъмуриятига маслаҳатлар бериш, шунингдек, махсус таълимга муҳтож болалар учун фаолиятлар ва уларга мос келувчи таълим дастурлари ҳақида муҳокамалар юритиш, ҳатто ногирон бўлмаган болаларнинг ота-оналарига ҳам маълумотлар етказиб туради.

Ресурс ўқитувчи фаолиятдан кўзланган асосий мақсад: умумтаълим муассасаларида таълим олаётган махсус таълимга муҳтож ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларига ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ресурс ўқитувчи қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ҳар бир ўқувчини қайси даражадаги ёрдамга муҳтожлигини аниқлаш ва уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда улар билан учрашиш.

- ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш, индивидуал режалардан келиб чиққан ҳолда уларни кузатиш, ўқув дастурига мослашишига ёрдам бериш, ўқитиш ва баҳолаш.

- синф ўқитувчиларига ўқувчиларнинг махсус эҳтиёжлари ва қобилиятларига оид маълумотларни бериш.

- синф ўқитувчиларини индивидуал ўқув режалари билан таништириш ва улар бўйича маслаҳатлар бериш.

- мунтазам равишда ўқувчиларнинг эришаётган муваффақиётларини муҳокама қилиш ва баҳолаш.

- мактаб жамоасининг бошқарув ходимлари ва ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш;

- зарурат туғилса, ўқувчиларни бошқа ёрдам кўрсатувчи уюшмаларга таклиф этиш (масалан, семинарларга, шифокорларга).

- ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар билан индивидуал равишда олиб бориладиган фаолиятларни қайд этиб бориш.

- стандарт ўқув режа талабларига жавоб бермайдиган вазиятларда ҳар бир ўқувчига индивидуал ўқув режа тузишга кўмаклашиш;

- Ўзгарувчан эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда индивидуал ўқув режаларни янгилаш ва баҳолаш.

- мавжуд барча ресурслар (ўқув адабиётлар, ўқитиш қурилмалари ва бошқа асбобларни ҳужжатлаштириш ва улар рўйхатини тузиш.

Мактаблараро қатнаб юрувчи ресурс ўқитувчи ўз вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иш режасини тузишда қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

- Мактаблараро қатнаб юрувчи ресурс ўқитувчиларнинг махсус таълим олишга бўлган талабларга жавоб берадиган ёрдамларни кўрсатиш;
- Синф ўқитувчиси билан биргаликда индивидуал дастурларни яратиш ва уни баҳолаш;
- Ўқитувчилар муҳтож бўлган хизматларни амалга ошириш;
- Боланинг ўқитувчиси ёки мактаби алмашганда у ҳақидаги маълумотларни етказиб беришни бошқариш;
- Янги келган ўқитувчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва қондириш;
- Махсус таълимга муҳтож бўлган оддий синфларга ўқитувчиларнинг мослашишига ёрдам бериш;
- Зарурат туғилганда синфдан ташқарида индивидуал ва гуруҳларга асосланган кўрсатмаларни бериш;
- Индивидуал дастурларни муваффақиятли бўлишини бошқариш;
- Махсус таълимга муҳтож болаларни мактабнинг жисмоний муҳитига жалб этишда уларнинг шу муҳитга мослашишига ёрдам берувчи мактаб бошқаруви;
- Махсус ёрдамчи воситалар ва қўлланмаларга бўлган талабни ўрганиш ва улардан фойдаланишни бошқариш;
- Инклюзив таълимни ривожлантиришни қўллаб – қувватлаш каби масалалардан иборат бўлади.

Мактаблараро қатнаб юрувчи ресурс ўқитувчи фаолият юритмаслиги, кўп вақтини йўлда самарасиз сарфламаслиги жуда муҳимдир.

Ресурс ўқитувчи ногирон болаларнинг дарсларидаги қийинчиликларни ва эҳтиёжларини муҳокама қилади. Вақти-вақти билан у жойларда олиб борилаётган ўқитувчилар тренингида ногиронлик муаммоси бўйича маслаҳат ва кўрсатмалар бериб боради. Масалан, ногирон боланинг нуқсон хусусиятларини, даражаларини аниқлаш, индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича методик тавсиялар бериш каби.

Бугунги кунда имконияти чекланган болаларни Инклюзив таълим тизимида ўқитиш, тарбиялаш жараёнида педагог ва ота\оналарга маслаҳат берувчи ресурс марказларнинг роли ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий педагог – ижтимоий ишчи вазифалари

- Болани ривожланиши учун қулай бўлган муҳитни ташкил қилиш;
- Бола ҳуқуқини ҳимоялаш қоидаларига риоя қилиш;
- Болани ҳаётини кўникмаси, қобилиятини, таълим олиши, соғлиқни сақлаш, оиладаги шароитларини ривожлантиришга бўлган барча эҳтиёжларини қондириш.

Болани ижтимоий ҳимоялаш жараёнида ижтимоий педагог (ижтимоий ишчи) билан ишлаш мумкин.



Ҳар бир бола давлат ҳимоясида бўлиб, мамлакатимизда ижтимоий қўллаш тизимига барча болалар қамраб олинган.

Болаларни ижтимоий қўллаш тизимига қийин кечинмаларга тушган (болалар, боқимандасинин йўқотган, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган, имконияти чекланган, алоҳида ёрдамга мухтож болалар;

Институтсионал муассасаларнинг болалари;

Қаровсиз ва тарбияси оғир болалар ва бошқалар)

Ижтимоий ишни мақсади: болани барча эҳтиёжларини қониқтиришга ва уни оиласига ёрдам беришдан иборат.

Болани ижтимоий ҳимоясининг асосий тамойиллари:

- Ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишининг марказида болани қизиқиши туради;

- Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолати” қонунига бола ҳуқуқлари Конвенциясига қайд этилган болаларни барча ҳуқуқлари киритилган ;

- Болани қабул қилиш эътироф этиш ҳурмат қилиш;

- Шахсни жинсий, диний, маданий, ирқий, миллатидан қатъий назар ҳар қандай камситишларга қарши чиқиш;

Ижтимоий педагог (ижтимоий ишчи) олдида болани ижтимоий ҳимояси бўйича қандай вазифалар турибди?

- Ижтимоий педагог ва ижтимоий ишчи болани уй шароитида яшаш ҳуқуқини таъминлайди;

- Ижтимоий педагог болаларни махсус институтсионал муассасаларга тушиб қолишини олдини олади.

- Ижтимоий педагог болага болага нисбатан нотўғри , ножўя, қатъий муомила ва ҳаракат қилишга йўл қўймасликни таъминлайди ва ҳимоя қилади;

- Ижтимоий педагог имконияти чекланган болаларни жамиятга, умумтаълим жараёнига интеграциялашувига ёрдам беради;

- Ижтимоий педагог ёки ижтимоий ишчи болани қулай бўлган шароитида ўсиши учун психологик, ижтимоий, моддий ёрдамларни қийинчиликдан чиқиб кетиши учун ёрдам беради;

- Болага ва унинг оиласини қўллаш учун ижтимоий педагог ёки ижтимоий ишчи қандай метод ва ёндошувларни амалга оширилади;

- Ижтимоий педагог ўзини иш фаолиятига таянган ҳолда нафақат болани ва унинг оиласи билан тизимли иш олиб боради.

- Мавжуд бўлган фактларни таҳлил қилиб замонавий асбоблардан фойдаланиб оила ва болалар ҳолатини баҳолайди;

- Оила ва уни атрофидагиларга кучли кучли томонига таянган ҳолда ёрдам беради.

Бундай жамият ва оила уни атрофидагиларга ижобий (позитив) ўзгаришлар киритади.

Қайси муассасалар учун ижтимоий ишчи ёки педагог керак?




- Таълим тизимида меҳрибонлик уйлари, умум таълим муассасалари, махсус мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ва бошқалар;
- Соғлиқни сақлаш тизимида: илк ёшдаги болалар уйи, оилавий поликлиника, тиббий-психолого-педагогик комиссия, реабилитация марказлари ва бошқалар;
- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида (мурувват уйлари, ижтимоий таъминот бўлимларида);
- Вояга етмаганлар маҳаллалари комиссияси, вилояти, туман ҳокимиятлари;

Болалар ва уларни оилаларини қўллаб-қувватлашни амалга ошириувчи оила тартибидаги вояга етмаганларни жойлаш.


- Жамоа ташкилотлари ва уларни бирлаштирувчи ташкилотлари.


Ҳозирги кунда ижтимоий ишчиларни тайёрлаш Ўзбекистонда 2004-2005 йилда бошлаб ўқта олий таълим тизимида: А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маъданият институтида ва Самарқанд, Фарғона давлат университетларида амалга оширилиб келинмоқда. 2006 – йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалиётчиларни тайёрлаш бўйича фаол ишлари болани ижтимоий ҳимоялаш тизимида олиб борилмоқда.

Ногиронликнинг ижтимоий модели



Ногиронликка тиббий ёндашув





Ногирон кишилариясосий эҳтиёжларини кондирш учун хизматларнинг минимумини кам олувчилар.

Мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Инклюзив таълимда кадрлар масаласи.
2. Инклюзив таълим ресурс марказининг вазифалари:
3. Инклюзив таълимда ресурс педагог ва унинг вазифалари.
4. Ижтимоий педагог – ижтимоий ишчи вазифалари.
5. Махсус мактабларда ўқитувчи ва тарбиячига қўйиладиган талабалар?
6. Ногирон фарзандлари бор оилаларнинг ота-оналари билан ишлаш ўз ичига нимани олади?

Адабиётлар:

1. Р. Ш. Шомахмудова. “Махсус ва инклюзив таълим” услубий қўлланма. Тошкент-2011 йил.

5-мавзу: Инклюзив таълим тизимида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари.

РЕЖА

1. Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар.
2. РНБ болалар турлари.
3. Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжларни келтириб чиқарувчи сабаблар.

Таянч тушунчалар: инклюзив таълим, имконияти чекланган болалар, коррекция.

Бўлажак ўқитувчиларнинг инклюзив тайёргарлигини шакллантиришнинг педагогик тизим асосида қонунятлар ётади, булар берилган таклиф таъсирларнинг (педагогик шароитлар комплекси, дидактик модел қоидалари, компетент-контекстуал технология шартлари) таълим натижаларига таъсир кўрсатадиган қонунларга асосланади - ПИТ таркибини ташкил этадиган компетенциялар комплексини шакллантириш назарда тутилади. Юқорида

таъкидлаб ўтилганидек, ўқитувчиларнинг инклюзив тайёргарлигини шакллантиришнинг педагогик тизимига асосланган қонунлар бир қатор психологик назарияларга асосланган (мотивацион назария қоидалари, когнитив, таркибий, ижтимоий муносабатларни шакллантиришга таянади, шунингдек, Д. Мерс муносабатлар ва ҳулқий ҳаракатларининг ўзаро таъсирига оид назариясига). Ўқитувчиларнинг инклюзив тайёргарлигини шакллантириш жараёнининг самарадорлиги қуйидагилар билан белгиланади:

1) бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ўқув жараёнининг мазмуни ва ташкил этилишида муносабатларни шакллантиришнинг психологик механизмларини (ассоциациялар, рағбатлантириш, шахсий ютуқларни англаш, билиш ва билимларнинг таркибий қисмларига таъсир ва бошқалар) мувофиқлаштиришни ҳисобга олиш;

2) муносабатларни ўзгартиришнинг психологик воситаларига таяниш, хусусан: ахборотни қайта ишлашнинг эҳтимолий моделининг марказий йўли, келгуси касбий фаолият учун мотивация шартларини таъминлаш, шунингдек амалий касбий тажрибани шакллантириш ва ҳ.к.;

3) ўқитувчининг касбий ҳулқ-атворини башорат қилишнинг ишончилиги (муомала-алоқа вазиятларида, ўзаро муносабат, дидактик, услубий ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда).

Ўқитувчиларнинг шаклланган инклюзив тайёргарлигининг барқарорлиги ва унинг касбий ҳулқ-атворга таъсири эҳтимоли бошқа таъсирларнинг (стереотиплар, нотўғри қарашлар, ксенофобия ва бошқалар) минималлаштириш даражасига, ўқитувчининг инклюзив тайёргарлигининг касбий ҳулқ-атвор моделларига ҳослиги ва аҳамиятлилигига, шунингдек инклюзив тайёргарликнинг мустаҳкамлигига боғлиқ.

Олий ўқув юртлари шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг инклюзив тайёргарлигини шакллантириш жараёнининг қонуниятларини тавсифлаб, уларни умумлаштириш даражасига қараб ажратиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу жараённинг универсал мунтазамлиги бу ПИТнинг ижтимоий шартлилиги, яъни ўқитувчининг инклюзив тайёргарлигини шакллантириш мақсадлари, мазмуни, усулларининг жамият эҳтиёжларига боғлиқлиги, шунингдек, барча болаларни ҳамкорликда ўқитиш амалиётининг самарадорлигини таъминлашга қодир педагогик кадрлар таркибини яратишдир.

Бошқа томондан, ПИТ шаклланиш даражаси, бўлажак ўқитувчининг инклюзив таълим муҳитида ишлаш нияти (мойиллиги) унинг касбий маҳоратини ва ижтимоий эҳтиёжлар ва талабларга мослигини белгилайди. ИХЛ шаклланишини тартибга солувчи умумий қонунлар ушбу жараён натижаларининг ИХЛ ижтимоий атрибут ва тизимли ҳодиса сифатида шаклланишидаги психологик шарт-шароитларни кўриб чиқишга боғлиқлигини аниқлайди. Махсус аниқланган натижалар ва педагогик комплекснинг ўзаро боғлиқлигини ПИТ шаклланиш жараёнининг шартларини белгилайди.

Аниқланган қонуниятлар бўлажак ўқитувчиларнинг инклюзив тайёргарлигини шакллантириш учун педагогик тизим тамойиллари комплекси, шунингдек уларни амалга ошириш қоидаларини белгилаб беради.

Инсон устуворлиги принципи таълимнинг инсонпарварлик хусусиятини англатади, бунда боланинг ўзи унинг таълим эҳтиёжлари, имкониятлари ва қобилиятларининг хусусиятларидан қатъий назар муҳим аҳамият касбга этади. Ушбу принципни амалга ошириш қоидалари бўлажак ўқитувчининг ҳар бир боланинг кучли томонларига таянишга йўналтирилганлиги, боланинг махсус таълим эҳтиёжларини аниқлашнинг ўз вақтида ва аниқлиги ва уларни ўқув материалнинг мазмунини англаб етиши уни ҳисобга олиш ўқув материалларини маослаштириш ёки модификациялаш, агар лозим бўлса махсус дидактик воситалар ва методик усуллардан фойдаланиш, ўқув натижаларини ўзига хослигини баҳолашни билдиради.

Вазиятли ва башорат қилинадиган мослилик принципи педагогик таълим мазмунининг касбий ва педагогик фаолиятнинг ҳозирги ва келажакдаги шартларига мувофиқлигини таъминлайди. Принцип қуйидаги қоидалар асосида амалга оширилади: инклюзив таълим маконида бўлажак касбий фаолият шароитларини моделлаштириш; инклюзив таълимнинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликда ўқитувчининг роли ва функцияларини тушуниш учун шароит яратиш; бўлажак ўқитувчиларни кўнгиллилар ҳаракатига жалб қилиш (масалан, махсус таълим эҳтиёжлари бўлган болага кўшимча сифатида); кейс услуби, педагогик вазиятлардан фойдаланиш ва бошқалар.

Мета-фан принципи ўқитувчини тайёрлаш учун ўқув дастурининг фан соҳалари таркибий қисмларини мазмунли бирлаштиришни ўз ичига олади, бу эса когнитив диссонансни камайтириш имконини беради. Принципни амалга оширишнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат: инклюзив таълимнинг ғоялари ва қадриятларини аниқлаш имкониятларини белгилаш учун ўқув дастурлари фанлари таркибини таҳлил қилиш; муносабатни шакллантиришга йўналтирилган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув материални ўзгарувчанлиги асосида такрорлаш тизими; олинган билим ва кўникмаларни амалда қўллаш имкониятларини намоёниш этиш.

Педагогик тизимнинг динамикаси ва ўз-ўзини ривожлантириш принципи таълимдаги ислохотларга хос равишда мослашувчанликни ва қайта кўриб чиқиш имкониятини англатади ва ўқитувчи таълими мазмунининг ижтимоий буюртма талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Диагностика принципи мониторинг асосида алоқаларни қайта ўрнатишни назарда тутаяди: академик, касбий ва ижтимоий ҳамда шахсий компетенциялар мажмуасини шакллантириш сифатини аниқлаш учун диагностика воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; мониторинг дастурини амалга ошириш бўйича тизимли иш олиб бориш.

Таркибий яхлитлик принципи педагогик тизим таркибий қисмлари ва уни амалга ошириш босқичлари ўртасида кучли боғлиқликни англатади.

Олий таълим ўқув юртлари ўқитувчиларининг қадрият-мазмунлилик компетенцияси принципи профессор-ўқитувчиларнинг бошланғич (превентив) тайёргарлиги учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг инклюзив таълимга бўлган муносабатини шакллантириш, ўқитилаётган фанлар мазмунини бўлғуси



Ўқитувчиларнинг инклюзив тайёргарлигини шакллантириш муаммосини ҳал қилишда қўллаш воситаси орқали амалга оширилади.

Касбий амалий фаолият тажрибасини шакллантириш принципи қуйидагиларни ўз ичига олади: амалий педагогик тажрибани шакллантириш имкониятини таъминлаш; ўз тажрибасини, шунингдек таълим соҳаси субъектлари фаолиятини акс эттириш учун шароит яратиш; амалий фаолият тажрибасини эгаллашда шарт шароитларнинг ҳар хиллиги.

Педагогик тизимнинг мақсадлари яхлитликни таъминлайди: стратегик мақсад унинг барча иштирокчилари учун инклюзив таълимнинг самарадорлиги ва сифатини таъминлашдан иборат; тактик мақсадлар бўлажак ўқитувчиларнинг когнитив, ҳиссий, конотатив, коммуникатив ва рефлексив таркибий қисмларини шакллантириш кетма-кетлигини акс эттиради; оператив (процессуал ва натижавий) мақсадлар инклюзив тайёргарлик компонентларини ташкил этадиган компетенцияни шакллантириш шартлари ва воситаларини белгилайди.

Педагогик тизимнинг процессуал (технологик) даражаси келажакда ўқитувчиларнинг компетенцияга асосланган ёндашув асосида инклюзив таълимда ишлашга тайёрлигини шакллантириш учун педагогик шароитларни яратиш ва дидактик моделни амалга оширишни ўз ичига олади.

Процессуал даражадаги вазифаларни ҳал қилиш мета-предмет компетенцияси-контекст технологиясидан (МПККТ) фойдаланиш билан амалга оширилади, унинг мақсади бўлажак ўқитувчининг таълим эффекти сифатида инклюзив тайёргарлигини "иммерсия" асосида таълим натижалари (компетенцияси) самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Енгил даражадаги ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш

1. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар диққатини тарқоқлигини ҳисобга олиб партада ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак;
2. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар тез чарчаб қолишини ҳисобга олган ҳолда, улар ҳаракатда бўлиш имконини берувчи топшириқлар бериб туриш («дафтарларни йиғ», «доскани тозала» каби);
3. Ҳар бир дарсда жисмоний дақиқа ўтказишни унутмаслик;
4. Синфда лидер қобилиятига эга бўлган ўқувчини аниқлаб, «синф бошқарувчиси» (имконияти чеклангангина ўқитувчи) этиб тайинлаш (бу укувидан ўқитувчи ақлий ривожланишида муаммоси бўлган бола билан ишлаётганда кўпроқ фойдаланади);
5. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болаларни синфдаги энг аълочи ўқувчи билан бирга ўтказиш;
6. Дарсда асосий кўргазмалликка тайинлаш;
7. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болага топшириқларни қисмларга бўлиб бериш;
8. Болани рағбатлантиришни унутмаслик;
9. Усулларнинг хилма – хиллигидан доимий равишда фойдаланиш;
10. Ўйин методларига максимал даражада таяниш;



11. Бола топшириқни бажараётганда унга қўшимча ёки амалий кўрсатма ҳам бериш;

12. Синф жамоасига ақлий ривожланишида муаммоси бўлган боланинг ҳам хиссаси қўшиладиган топшириқлар бериш;

13. Доимий равишда ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болани назорат остига олиш.

Синф ва гуруҳларда инклюзив таълим тушунчасини ривожлантириш

Болалар онгида ирқчилик, ногиронлик ҳамда имкониятлар кенглиги хусусида тўғри тушунчаларни шакллантириш инклюзив таълимнинг самарадорлигини оширишда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри тушунчаларнинг мавжудлиги сабабли имконияти чекланган болалар ҳақорати ва масхараланишига дучор бўлмоқдалар. Бундан ҳам аянчлиси шу каби салбий муносабатдаги хулқ-атворни айрим ўқитувчиларнинг эътиборсиз қолдираётганлигидир. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун ҳам барча мактабларда ҳамма болалар учун тенг ҳуқуқли, севимли, дўстона илиқ муносабатдаги муҳитни яратиш лозим. Мактабда ирқчиликни, ногиронлик устидан кулишни қораланиши ва ўртасидаги тенг ҳуқуқчилик тушунчасини шакллантириш керак. Биз қуйида болалар ўртасида тенг ҳуқуқчиликни тушунчаларни шакллантириш буйимконияти чеклангана тавсиялар берилди:

-Педагоглар барча синфларда болалар ўз ҳаётлари ва хис туйғуларини муҳокама қила оладиган ўзоро қўллаб – қувватловчи ва ҳамжихатликдаги ижобий муҳитни яратишга ёрдам беришлари лозим;

-Ўқувчилар онгига ногиронлик – алоҳидалик эмас, балки камчиликни мажудлиги натижасида имкониятлар чегараланганлигини тушунтира билиш лозим. Ногирон болалардан қўрқиш, жирканиш хисларини йўқотишга эришиш талаб этилади.

Педагоглар айрим ҳолатларда стереотипларни қўллашдан қочишлари ва ташаббуслари қўллашдан кейин ҳам болалар олдида шарҳламасликлари лозим. Улар болаларга нима учун лақаб қўйиш, масҳара қилиш, салбий муносабатларни юзага келтиришини тушунтириб беришлари ва бунга йўл қўймасликлари талаб этилади.

Зарур бўлган ҳолатларда имконияти чекланган болаларда айрим ўқувчилар тамонидан билдиралаётган салбий муносабатларни бутун синф билан муҳокама қилиш ўринли ҳисобланади. Ижобий натижага эришиш учун охиргача кўрашиш лозим.

Ҳар бир муҳокама болаларнинг ютуқларининг унинг аввалги ютуқларига салиштириб, қайд этиб, такидлаб бориш муҳимдир. Ўқувчилар билан турли хилдаги ва психологик тестлар ўтказишда боланинг ирқига, ижтимоий келиб чиқишига, жинси ва ногиронликка оид саволларни бермаслик айтилган мудида.

Ўқитувчилар ишларини ва уларнинг ютуқларини барча соҳаларида мактаб ва мактабдан ташқари ишларда намоёниш қилиб бориш керак. Дарсларга материаллар тайёрлашда имконияти чекланган боланинг ижод намуналарини ҳам қўллаш жуда самара беради.



Китоб, плакатлар ва дастурларни куллаётиб, шунга ишонч хосил килиш керакки, улар инклюзив таълимга мос келиши керак. Мактаблар очик булиши, ўқувчилар, ота-оналар ва педагоглар мулокат кила билиши керак.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Инклюзив таълимга жалб этиладиган болаларга таъриф беринг.
2. Инклюзив таълим тизимида ўқувтарбия жараёнининг ташкил этилишини изоҳланг.
3. Синф ва гуруҳларда инклюзив таълим тушунчасини ривожлантириш ҳақида тушунча беринг.

Адабиётлар:

1. Р. Ш. Шомахмудова. “Махсус ва инклюзив таълим” услубий қўлланма. Тошкент-2011 йил.

Қўшимча адабиётлар:

1. Л.Р.Муминова. Инклюзив таълим. Тошкент- 2014 йил.



IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар.

Ушбу машғулот тури ўқув дастуридаги мавзулар бўйича амалий машғулотларда амалий топшириқларни бажариш тавсия этилади. Талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларни амалий машғулотлари орқали янада бойтадилар.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

№	Маърузамавзулари
1.	Имкониятичекланганболаларнингинклюзивтаълимгажорий этишдамактабтаълиммуассасаларирахбариятивапедагоголарнингвазифаси
2	ИнклюзивтаълимбўйичаЧет элтажрибаси
3	ИнклюзивтаълимбўйичаРеспубликадаолибборилганваолибборилаётган фаолият
4	Имкониятичекланганболаларнингинклюзивтаълимгажалб этишдаТППКнингроли
5	Имкониятичекланганболаларнингинклюзивтаълимжараёнидаўқитишдаинди видуалдастурларинитузиш, методиквадидактиктаъминотинияратиш
6	Махсусёрдамгамухтожбўлганболаларни таълимтизимигажалб этишдаота- оналар, оилаважамоатчиликбиланишлаш.
7	Имкониятичекланганболаларни мактабгатайёрлашдаота – оналар, махаллаларвапедагогларнингўрнихамкорлиги.
8	Инклюзивтаълимўқитувчисидарсниташкилкилишдагифаолияти.


машғулот топшириқлари

“БББ” жадвали

Билиб олдим	Билмайман	Билмоқчиман


(Иш гуруҳли, индивидуал тарзда ташкил этилиши мумкин).





“Икки қисмли кундалик”

Эшитишида нуқсони бўлган болаларни текшириш





V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс. Махсус мактабгача таълим муассасида машғулотларида ананавий ва ноананавий таълим технологиялари афзаллик ёки камчиликлари

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Мактабгача таълим муассасида бадиий адабиёт билан таништириш машғулотларини сифат ва самарадорлигини оширишда ананавий ва ноананавий таълим технологиялари афзаллик ёки камчиликлари	Анъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ дефектолог шахсига қаратилган бўлиб, машғулотнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир. Ноананавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида бола шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир	Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида ўқувчи шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага еришишга йўналтиришдир

2-Кейс топшириғи: Махсус мактабгача таълим муассасида машғулотларини ўтказиш технологиялари

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:

Асосий фарқлар	
Афзалликлари:	Камчиликлари:



<p>1. Аниқ, маълум тушунчаларни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш</p> <p>2. Дефектолог томонидан ўқитиш жараёни ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиш</p> <p>3. Вақтдан унумли фойдаланиш 1.</p>	<p>Аниқ илмий билимларга таяниш бўлиши мумкин</p> <p>2. Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланиши сусаяди</p> <p>3. Тасаввурларни ўзгармасдан қолиши Таълимолувчиларнинг машғулотлардаги пассивлиги ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг пастлиги</p> <p>4. Машғулотнинг бир хил қолипдалиги, бир хиллиги</p> <p>5. Дефектологнинг тўла назорати барча тингловчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмайди</p> <p>6. Таълим олувчилар тарбиячи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди</p> <p>7. Еслаб қолиш даражаси ҳаммада тенг бўлмаганлиги сабабли гуруҳда ўзлаштириш пастлиги</p>
---	---

3-Кейс топшириғи: Сурдопедагогларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳоси	Муомолар ечими
					Машғулот мавзусини белгилаш
					Машғулотнинг режасини тузиш
					Машғулотнинг мақсадини белгилаш
					Машғулотнинг мазмунини танлаш
					Машғулот ўтказиладиган жойни жиҳозлаш ҳамда керакли техникани тайёрлаш
					Машғулотни бошлаш йўлини танлаш ва унинг ишланмасини ёзиш
					Машғулотни вақтларга бўлиш



					Бўлажак машғулотнинг энг қизиқарли, таъсирли нуқталарини танлаш
					Ўтказилган машғулотнинг якуний таҳлили ва кейинги машғулотга тайёргарлик

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида ўқув машғулотларининг интеграциялашувига доир моделни ўрганиш ҳамда, машғулотларининг умумий коррекцион вазифаларини ёритинг

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқув машғулотларида нутқни (сўзлашув, боғланган нутқи) ривожлантириш моделини изоҳланг, мисол келтиринг

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида Нутқ ўстириш машғулоти дастур мазмунига мувофиқ фан бўйича маълум ҳажмдаги тушунчалари болаларнинг луғат захирасига киритилади. Луғат ёш нутқий материални танлаш моделини ўрганинг ва мазкур модел асосида “Уй ҳайвонлар”, “Ёввойи ҳайвонлар”, “Ёввойи ҳайвонлар”, мавзуси асосида мисол келтиринг

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тафаккурини ривожлантириш мазмуни моделини ўрганинг ва уни оғзаки изоҳланг

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида болаларни тафаккурини ривожлантириш таъминловчи методик шароитлар моделини яратинг

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида болаларни нутқини ривожлантириш таъминловчи методик шароитлар моделини яратинг



VI. ГЛОССАРИЙ

Адаптация – организмнинг ўзгарувчан шароитларга мослашуви, сезги органларига таъсир манбаларига адаптация натижасида анализаторлар сезгирлигининг ўзгариши. Аномал болалар – жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолган ва махсус таълимга муҳтож болалар.

Астения– толиқиш, кайфиятнинг тез-тез ўзгариб туриши, уйкудаги вегетатив

Аффектив бузилишлар – руҳиятдаги бузилишлар

Анализаторларнинг ўзаро алоқалари – сенсор соҳаси бирлиги намоён бўлишининг бир тури.

Брайл системаси– Кўзи ожиз болалар ўқиши ва ёзиши учун мўлжалланган рельеф-нуктали шрифтдаги алифбо.

Билишга қизиқиш – фаолият жараёнида воқелик предметлари ва ҳодисаларига фаол муносабатдан келиб чиқадиган билимга интилиш.

Бола (болалар) – ўн саккиз ёшгача бўлган шахс (шахслар).

Гиподинамия – ҳаракатланиш фаоллигининг сусайиши.

Диққат – бир вақтнинг ўзида объектлардан диққатни кўчиришда онгда акс этувчи бошқа объектларнинг ажралиб чиқишини таъминловчи руҳий фаолиятнинг ташкилий шакли.

Дактил алифбоси – эшитишида нуқсонли бўлган болалар учун ўқишда ва ёзишда қўлланиладиган ёрдамчи нутқ тури.

Дефектология соҳаси тифлопедагогика, сурдопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедияга бўлинади.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлар мавжуд бола – Имконияти чекланган болаликка чиқаришга йетмайдиган жисмоний, ақлий, сезиш (ҳис-туйғу) ва (ёки) руҳий нуқсонлари мавжуд бола.

Заиф кўрувчилар учун китоблар – кўриш имкониятини берувчи мисол ва рамзлар йирик ҳарфлар билан ёзилган китоблар.

Ижтимоий адаптация – индивиднинг янги ижтимоий муҳит шароитларига фаол мослашув жараёни; бу жараён натижаси.

Ижтимоий маиший йўналтириш машғулотлари – ҳаёт фаолияти учун зарур ижтимоий малакаларни ривожлантиришга йўналтирилган машғулотлар.

Интеграцияланган таълим – руҳий-жисмоний нуқсонга ега бўлган болалар еҳтиёжларига кўра таълим жараёнини амалга ошириш, умумтаълим муассасаларига жалб қилиш.

Инклюзив таълим – имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасаларида соғлом тенгдошлари билан биргаликда уйғунликда таълим олиши.

Инклюзив таълим модели, технологияси – узлуксиз таълим шарт-шароитларида имкониятлари чекланган болаларнинг меъёрида ривожланаётган тенгдошлари билан ўзаро алоқада бўлишнинг вариант ва шакллари.

Ижтимоий реабилитация – тиббий тадбирлар мажмуаси, таълим, тарбия, касб танлаш, ишга жойлаштириш ва бошқалар.

Имкониятлари чекланган боланинг ижтимоий адаптацияси – жамиятда қабул қилинган ҳуққ қоида ва меъёрларига нисбатан мушкул ҳаёт шарт-шароитдаги боланинг фаол мослашув ҳамда ҳаёт фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф етиш жараёни.

Кўзи ожиз ва заиф кўрувчиларнинг ижтимоий-меҳнат реабилитацияси – кўрлик ва ёмон кўришнинг салбий оқибатларини бартараф етиш ва Имконияти чекланган болаларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб етишга ёрдамлашувчи ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш, тиббий, психологик-педагогик тадбирлар тизими.

Кўрлар учун китоблар – Брайл тизими бў имконияти чеклангана сезги орқали қабул қилиш учун бўрттирма-нуқта ҳарфлар билан ёзилган китоб.

Компенсатор жараёнлар – организм, ўзининг бузилган функцияларини ишдан чиққан тизимларини, алоҳида органлар ва уларнинг таркибий қисмлари ёрдамида соғлом органлар билан қоплаш.

Коррекция – болаларда руҳий ва жисмоний ривожланиш камчиликларини педагогик усуллар ва тадбирларнинг махсус тизими ёрдамида тўлиқ ёки қисман тузатиш.

Коррекцион машғулотлар – руҳий-жисмоний ривожланишдаги камчиликларни тузатиш ва бартараф етишга оид машғулотлар.

Кўникмалар – ўзлаштирилган билимлар ва ҳаёт тажриба асосида ҳатти-харакатларнинг тез, аниқ, онгли бажарилишига тайёргарлик.

Кўзғалувчанлик – организмнинг айрим (руҳий, мускул, без) тўқималарнинг таъсир қилувчилар ҳаракатларига ўзига хос реакция билан жавоб қайтариш хоссаси.

Кўзғалиш чегараси – ҳис-ҳаяжонни пайдо қилувчи кўзғатувчининг минимал кучи.

Кўзғатиш – атроф ва имконияти чекланганки муҳит омилларининг (кўзғатувчилар) органлар ва тўқималарга уларнинг дастлабки ҳолати ўзгаришига олиб келувчи таъсири.

Лабдан ўқиш – гапираётган шахснинг нутқини кўз орқали қабул қилиш. Болаларни ешитиш қобилияти функциясини кўриш қобилияти билан қоплашни амалга оширишга ўргатувчи ўқув-коррекцион фан.

Махсус методика – ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг ривожланиш хусусиятларини назарда тутувчи таълим методикаси.

Махсус педагогика – нуқсонли болаларни тарбиялаш ва таълим бериш тўғрисидаги фан.

Махсус таълим – таълим жараёнида нуқсонли болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларни тузатиш ва тўлдириш. Махсус мактаб ўқувчиларида оммавий мактабларда таълим олувчилардаги каби билим, малака ва кўникмаларни ҳамда махсус билимлар, малакалар ва кўникмаларни шакллантириш.

Махсус таълим еҳтиёжлари – махсус ташкил қилинган шароитларда боланинг руҳий-жисмоний ҳолати билан боғлиқ махсус дастурлар бўйимконияти чеклангана ўқитиш зарурияти.



Махсус методика – ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион педагогик иш мазмунининг методикаси.

Местрилинг – Имконияти чекланган бола болаларни ўз тенгдошлари билан турли хил, дарсдан ташқари тадбирларда ўзаро мулоқоти.

Мураккаб нуқсонлар – бир кишида мавжуд икки ёки бир неча жисмоний ёки руҳий камчиликлар.

Мослашув реакция – организмнинг таъсир қилувчи манбани янада яхшироқ қабул қилишга ва таҳлил қилишга ва унга жавоб қайтариш учун анализаторларни созлашга ёрдам берувчи атроф-муҳитнинг ўзгаришига рефлексор реакцияси.

Имконияти чекланган болалик – организмнинг касаллик ёки жароҳат натижасида маълум бир касбда тўлиқ ёки қисман барқарор функционал бузилишларга, савиянинг пасайишига олиб келувчи ҳолати.

Имконияти чекланган бола бола – жисмоний, ақлий, сезги (ҳис-туйғу) ва (ёки) руҳий нуқсонлари туфайли ҳаёт фаолияти чекланган, ижтимоий ёрдам, муҳофазага муҳтож ва қонун томонидан белгиланган тартибда Имконияти чекланган бола деб еътироф етилган бола.

Имконияти чекланган бола ва имкониятлари чекланган болаларнинг ижтимоий реабилитацияси – болалар томонидан йўқотилган ижтимоий алоқалар ва функцияларни тиклаш, ҳаётини таъминлаш муҳитини яратиш, уларга ғамхўрликни кучайтиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуаси.

(Психологияда) ассоциациялар – бирор жараённинг у билан боғлиқ бошқа алоҳида руҳий жараёнлар ва ҳодисалар (тасаввурлар, фикрлар, ҳис-туйғулар) ўртасидаги алоқалар.

бузилишларга олиб келувчи асабий-руҳий камчилик.

Патогенез – касаллик, патологик жараён ёки ҳолат ривожланиши механизми.

Руҳий функциялар – миянинг акс еттириш фаолиятининг турли шакллари: сезиш, қабул қилиш, хотира, фикрлаш ва ҳоказоалар.

Руҳий ривожланиш – инсон ҳаётининг турли босқимконияти чекланганларида унинг билиш фаолияти ва шахси характерининг шаклланиши ва такомиллашуви.

Ривожланишдаги нуқсон – меъерий ривожланишнинг бузилишини келтириб чиқарадиган жисмоний ва руҳий камчилик.

Реабилитация – организмнинг бузилган функциялари ҳамда касаллар ва Имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий функциялари ва меҳнатга лаёқатлигини тиклаш ёки ўрнини қоплашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий тадбирлар мажмуаси.

Рағбат – амалий ҳаракатга ундов, туртки.

Соғлиқ имкониятлари чекланган бола – жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишда нуқсонларга ега, ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бола.

Сенсор тарбия – сезги, кўриш, ешитиш, ҳис қилиш ва бошқа органларнинг ривожланишига қаратилган педагогик усуллар жамланмаси.

Синдром – бир патогенезда бирлашган аломатлар жамланмаси.



Сколиоз – умуртқанинг ёнбошдан қийшайиши.

Сезги органлари – субъектни ўраб турган муҳитдаги (екстерорецепсия) ва унинг организмидаги (интерорецепсия) ўзгаришлар тўғрисида хабар берувчи сигналларни қабул қилишга мослашган асаб органлари.

Тактил рецептор – тери юзасига, баъзи шиллиқ пардаларга тегиниш ва босим ўтказиш рецептори.

Тифлопедагог – кўр ва ёмон кўрувчи болалар ва ўсмирларнинг билиш фаолияти ва бузилган (кам ривожланган) функцияларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг таълим, тарбия, политехник ва меҳнат тайёргарлигини амалга оширувчи махсус олий маълумотли педагог.

Тифлопсихология – махсус психологиянинг кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг руҳий ривожланиши, таълим ва тарбияда уни тузатишнинг йўллари ва усулларини ўрганадиган бўлими.

Толерантлик – теварак-атрофдагиларга нисбатан бағри кенг, дўстона муносабат.

Тақлид қилиш – бирор кишининг ҳатти-харакатлари, қилмишлари ва ҳоказалар онгли ва онгсиз равишда бажарилишидан ташкил топган хулқ шакли.

Тушуниш – ҳодисалар ёки предметларни улар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш йўли билан тушуниб йетиш жараёни.

Тиббий-меҳнат экспертизаси – касал, жароҳатланган ёки туғма нуқсонли кишиларнинг меҳнатга лойиқлигини аниқлашнинг ижтимоий давлат фаолияти амалий тизими.

Тиббий-педагогик консультация – нуқсонли болаларни тегишли ўқув-тарбиявий ва соғломлаштириш муассасаларига йўллаш мақсадида уларни комплекс тиббий-руҳий-педагогик кўрикдан ўтказадиган махсус муассаса.

Ўзини интизомга бўйсундириш – ўз хулқ-атворидаги интизом, ўзини тута билиш. Ҳимоя рефлекслари – организмнинг табиий равишда меъерий фаолиятини издан чиқарувчи таъсир омилларига реакциялари.

Эшитиб-кўриб қабул қилиш – ешитиш қобилияти анча сусайган болаларнинг нутқни лаблар ва ешитиш ёрдамида қабул қилиши. Бу ёерда товушни кучайтирувчи аасбоблардан фойдаланиш даставвал шарт.

Этиология – хасталиклар ва патологик ҳолатлар пайдо бўлиши сабаблари ва шароитлари тўғрисидаги фан.



VII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган). Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Ўзбекистон. 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” - Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарк нашриёт-матбаа консерни. 1997.
3. “Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик ривожлантириш” мавзусидаги илмий - назарий конференция материаллари. Тошкент-“Узинкомсентр”-2002 йил.
4. Аминова В.Ю. Интегрированной образование для детей с особыми нуждами в дошкольных и школьных учреждениях массового типа (Методический рекомендации) МНО РЦО Ресурсный центр ЮНЕСКО Ташкент 2002
5. “Дакарскийе рамки действий”- ЮНЕСКО-2000 йил. Францияда чоп етилган. Кислицина И.К. «Инклюзивнойе образование-образование для всех»(основные понятия и краткий обзор международного опыта) создано при поддержке Европейского Союза. Ташкент, 2004
6. Кўришида муаммоси бўлган болалар инклюзив таълими. Тузувчи Григорянц
7. «Инклюзив таълим» муваққат Низоми. 2005 йил.
8. Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълимни ташкил этиш тўғрисида муваққат НИЗОМ. ЎРХТВ Т., 19 сентабр, 2005.
9. “Мактаблар ҳамма учун”- “Болаларни қутқаринг жамғармаси” -2002 йил.
10. “Мактабларин олқишлаб-инклюзив мактаблардаги ногирон ўқувчилар”- ЮНЕСКО - 1999 йил.
11. Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. Т., 1995
12. Юнесконинг 2003 йил Ўзбекистонда 2–4 октябр кунларидаги «Инклюзив таълим» га оид семинарии хужжатлари.
13. “Проблемы в ключения детей со спесалными образовательными потребностями в общеобразовательный просесе” Материалы республиканского семинара Алматы.- Алматы «Раритет» 2002 йил.
14. Пулатова Ф., Олигфрено педагогика .Ғофур Ғулом, 2006
15. Рой Марк Конки ”Инклюзив синфларда ўқувчилар эҳтиёжларини англаш ва бу эҳтиёжларни кондириш” Тошкент-ЮНЕСКО-2004йил. Ўқитувчилар учун қўлланма. Рахманова В.С Махсус педагогика Ғофур Ғулом нашриёти, Тошкент, 2004
16. Содиқова Г.А., Нуркйелдийева Д.А. Ривожланиши орқада қолган болалар диагностикаси (маърузалар матни) Т., 2001
17. Сурдопедагогика под ред. НикитинойМ.И. М., Просвещение, 2002
18. “Таълим ҳамма учун миллий дастурини жорий қилиш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент-2005 йил.
19. Туре Ёнсон ”Инклюзив таълим”-“Оперейшен Мерсий” Тошкент-2003 йил. Ўқитувчилар учун қўлланма.



20. Файзийева У.Ю., Абдуразакова Д.Дўстона муносабат мухитидаги мактаб. ЎХТВ Авлониё номидаги ХТРХМОМИ, БМТ Юнисейф.ХБЖ. Т., 2005.
21. Файзийева У., Назарова Д., Колбайева Х.Ж.Эшитишида муаммолари бўлган болалар инклюзив таълими. ЎХТВ Авлониё номидаги ХТРХМОМИ, БМТ Юнисейф. ХБЖ. Т., 2005.
22. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари Низом. Т., 2005
23. Шомахмудова Р. Болалар талаффузидаги нуқсонларни бартараф этиш. Т., 2001
24. “Халқаро форум материаллари”-Тошкент - Республика болаларни ижтимоий адаптациялаш - 2005 йил.